Боқий фикр

*Сайлов — демократия дегани. Демократия — бу сайлов дегани.*

Ислом КАРИМОВ

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT ~ XALQ ZIYOLILARI GAZETASI ~ معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 20-dekabr, shanba № 101 (8750)

# САЙЛОВДА АЛБАТТА ҚАТНАШАМАН!



Бухоро банк коллежи ёшлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь куни ўтказиладиган сайловларда овоз беришни ҳаяжон билан кутишмоқда.

— Менинг ёшим ўн саккизда, — дейди улардан бири Моҳтоб Камолова. — 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда илк бор ўз конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланиб, келажагимиз учун овоз бераман. Мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этадиган ушбу сиёсий жараёнда иштирок этаётганимдан бахтиёрман.

**ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат.**

*So'z — xalqaro kuzatuvchilarga*

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь куни бўладиган сайловларни кузатиш учун келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар экспертлари, мутахассислар мамлакатимиздаги демократик ислоҳотлар, сайловга кўрилган тайёргарлик билан танишмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.***

## ОЧИҚ-ОШКОРА САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

**Владимир ЧУРОВ, Россия Федерацияси марказий сайлов комиссияси раиси:**

— Демократик сайловлар мамлакат тараққиёти ва фаровонлигининг муҳим омили. Ўзбекистоннинг мазкур соҳага оид қонунчилигида халқаро андозаларга мос барча зарур жиҳатлар ифодасини топган. Сайловлар кўппартиявийлик, муқобиллик асосида ўтиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат шаклланганини ва сайлов тизими халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолатдир. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилгани эътиборга сазовор. Бу Марказий сайлов комиссиясининг бошқа ҳокимият органларининг аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказишини таъминлайди.

Муддатидан олдин овоз берувчилар, саломатлиги ёки бошқа сабабларга кўра сайлов биносига кела олмайдиганлар учун ҳам етарли шароитлар яратилган. Чет элдаги фуқаролар учун Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчихоналарида, жумладан, Россияда ҳам сайлов участкалари ташкил этилган.

**(Давоми 2-бетда.)**

# ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВЧИ

## *ахборот-коммуникация технологияларидан мақсадли фойдалана билиши зарур*

***Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор методлардан самарали фойдаланиш ўқувчиларнинг фанларни осон ўзлаштиришини таъминлайди. Компьютер саводхонлигини ошириб, дунё ахборот ресурсларидан мунтазам баҳраманд бўлиб боришига кенг йўл очади.***

Пойтахтимиздаги 69-умумтаълим мактабида фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш борасида ўзига хос тажриба тўпланган. Фан ўқитувчилари дарсларни мактабнинг ўқув компьютер синфида ташкил этиши натижасида ўқувчиларнинг фан олимпиадаси, билимлар беллашуви ва бошқа танловлардаги иштироки жонланмоқда. Жумладан, математика фани ўқитувчиси Шарофат Раҳматова АКТдан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг математик билимларини оширишга эришаяпти.

— АКТ кенг қўлланилган дарслар ўқувчиларни ўзига кўпроқ жалб этади, мавзулар юзасидан аниқ тасаввур ҳосил бўлишига ёрдам беради, — дейди Шарофат Раҳматова. — Жараёнда болаларнинг компьютерда ишлаш кўникмаси ривожланиб, мураккаб дастурларни ҳам ўрганиб боради. Замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олиш бугунги ўқувчи учун жуда зарур.



**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

ТАЪСИРЧАН РАҒБАТ МЕХАНИЗМИ — 3-бет

САҲНАДА КИЙИМЛАР БЕЛЛАШАДИМИ, БИЛИМЛАР? — 7-бет

ОИЛАДА ТИЛ МУҲИТИ — 9-бет

2014-yil 20-dekabr, № 101 (8750)

# ОЧИҚ-ОШКОРА САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биз сайловни Самарқанд ва Бухорода кузатиб борамиз. Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси кун сайин ўзгариб, аҳоли турмуш даражаси ошиб бораётгани, халқингизнинг миллий маданияти ва қадриятларига ҳурмати юқори экани эътиборга лойиқ. Айниқса, ёшларнинг ҳар жабҳада фаоллигига ҳавасим келди. Улар замонавий технологияларни чуқур эгаллаган, билимли, бир неча тилда сўзлаша олади. Бундай улкан бойликка эга мамлакатнинг келажаги буюкдир.

**Тьери МАРИАНИ, Франция миллий ассамблеяси депутати:**

— Сайлов руҳи, унга одамларнинг қизиқиши ҳар қадамда намоён. Каттаю кичик сайлов тўғрисидаги қонунчиликдан, сиёсий партиялар фаолиятидан яхши хабардор. Сайловчилар депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастури ҳақидаги маълумотлар билан танишган. Буларнинг барчаси парламент сайловининг демократик, очиқлик ҳамда ошкоралик тамойилларига мувофиқ ўтишига ва сайловчиларнинг номзодларни танлаш имкониятини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлардан хабардорман. Мисол учун, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди таклиф этилиши тамойили сиёсий партияларнинг ролини янада оширишга хизмат қилади.

Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид концепция асосида қабул қилинган қонунлар Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини янада кучайтирган. Ижро ҳокимияти органларининг парламент олдидаги масъулиятини оширган.

Юртингизга ҳар келганимда улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Миллий ва замонавий услубни ўзида мужассам этган меъморий обидалар, маданий ёдгорликларни зиёрат қилиб, маънавий озуқа оламан. Гўзал табиат, боғу роғлар, кенг ва файзли кўчаларни кўриб, завқланаман.

**Ойдин АББОСОВ, Озарбойжон миллий мажлиси депутати, “Озарбойжон-Ўзбекистон” парламентлараро гуруҳи раҳбари:**

— Сайловларга юксак даражада тайёргарлик кўрилганининг гувоҳи бўлдик. Мамлакатингиз эришаётган ютуқлар Президент Ислом Каримов томонидан танлаб олинган тараққиёт модели нақадар тўғри эканини яққол исботламоқда.

Ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик, илиқлик бу табаррук заминга илк қадам қўйган лаҳзаларданоқ сезилади. Азалдан қардош бўлган халқларимиз ўртасидаги тарихий-маданий алоқалар, дўстона ришталар мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигида сайлов жараёнини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш бўйича белгиланган асосий қоидалар, парламент ва сиёсий партиялар ўрнининг қонуний жиҳатдан кучайтирилгани бизда катта таассурот қолдирди.

**Рафаэль НЕКТАЛОВ, халқаро кузатувчи (АҚШ):**

— Ўзбекистонга ўн йил олдин келгандим. Мамлакатингизнинг ривожланиш динамикаси, одамлар дунёқарашидаги ўзгаришлар мени ҳайратга солди.

Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидаги бир неча сайлов участкаларида бўлдим. Барча участкалар жуда озода ва шинам, сайловчилар учун ҳамма шароит яратилган.

Ўзбекистон халқи юксак маданиятга, бой маънавий меросга эга. АҚШ телевидениеси орқали Нукус санъат музейи ҳақидаги фильмни кўрган эдим. Бу ердаги ноёб экспонатларни бевосита томоша қиларканман, давлатнинг маданиятга, тарихга, санъатга бўлган муносабатини ҳис қилдим. Музейда сақланаётган ажойиб дурдоналар мени лол қолдирди.

**Леонардо КОМУЧЧИ, “Ил Сантуччио” уюшмаси президенти, Флоренция провинцияси кенгаши аъзоси (Италия):**

— Ўзбекистон парламент тизими халқаро андозалар асосида ривожланиб бормоқда. Сайловларга юқори даражада тайёргарлик кўрилгани, сиёсий партияларнинг фаоллиги ва бу жараёнга аҳолининг қизиқиши шундан далолат беради.

Италия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Флоренция ва Самарқанд ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилиб, улар биродарлашган шаҳарларга айлангани билан фахрланамиз. Мамлакатингиз ёшлари юксак интеллектуал салоҳиятга эга. Давлатингиз раҳбари томонидан хорижий тилларни ўрганишга катта эътибор қаратилаётганини эшитиб хурсанд бўлдик. Бундан руҳланиб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти билан Италиянинг Флоренция университети ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ниятидамиз.

**Давид ЛЮКСЕМБУРГ, “Змадим” суғурта компанияси президенти (Исроил):**

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Замонавий шаҳарларингиз, меҳмондўст ва очиққўнгил одамларингиз менга жуда манзур бўлди. Ўзбекистон ҳақида, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида кўп эшитганман. Бу ерга келиб, ушбу ислоҳотлар самараларини кўрдик. Одамларингиз юзидаги бахтиёр табассум уларнинг ўз ҳаётидан мамнун экани, шундай гўзал ва обод юртда яшаш бахтидан масрур эканининг инъикосидир.

Ўзбекистонда Президентингиз ташаббуси билан ҳар йилга ўзига хос ном берилиши менда катта таассурот қолдирди. Масалан, бу йил Соғлом бола йили, 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили, деб номланиши мамлакатингизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

**Пауло КАСАКА, Жанубий Осиё демократик форуми ижрочи директори (Белгия):**

— Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги мени ҳайратга солди. Ўзбекистоннинг бой тарихи, маданияти, санъати, маънавий мероси бетакрордир.

Ўзбекистон фуқаролик жамиятида маҳалла институти алоҳида ўринга эга эканидан хабарим бор. Мустақиллик йилларида ушбу институт янада ривожланиб, мамлакатингизда демократик ислоҳотларни амалга ошириш, шу жумладан, ҳокимият вакиллик органларига сайловларни ўтказишнинг фаол иштирокчисига айлангани эътиборлидир. Ўзбекистон маҳалла институти фаолиятини чуқурроқ ўрганиш ниятидаман.

**Неъмутулло ИЗАДИ, эронлик кузатувчилар делегацияси раҳбари:**

— Биз мамлакатингиз сайлов қонунчилиги, унга киритилган ўзгаришлар, сайлов участкаларидаги тайёргарлик билан танишдик. Юртингизда фуқароларнинг сайловда қатнашиши, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун демократик ҳуқуқий база ва барча шарт-шароит яратилганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Замонавий уй-жойлар, инфратузилма объектлари юртингиз чиройига чирой қўшиб турибди. Фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, мамлакат равнақи учун дахлдорлик ҳисси юқорилиги ижтимоий-иқтисодий, илмий соҳалардаги ўзгаришларда, жумладан, сайлов жараёнларида ҳам намоён бўлмоқда.

**ЎзА мухбирлари**
**Сайёра ШОЕВА,**
**Назокат УСМОНОВА,**
**Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Аминбой ОРТИҚБОЕВ**
**ёзиб олди.**

# БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Шу кунларда мамлакатимизда Янги йил байрами тинч ва осойишта ўтишини таъминлашга тайёргарлик кўриш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб кирилиши ва савдосининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўртасидан бошлаб, инсон соғлиғига зарар етказадиган пиротехника воситалари — петарда ва мушаклар кўпайди. Ушбу пиротехника воситалари мамлакатимизга четдан олиб келинмоқда. Айни пайтда уларнинг аксарияти хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган контрафакт маҳсулотлардир. Болалар қўлига тушган бундай сифатсиз пиротехника воситалари фавқулодда ҳодисалар, жумладан, ёнғин келтириб чиқариши, инсонларга оғир жароҳат етказиши мумкин.

Масалан, 2005—2009 йилларда даволаш муассасаларида пиротехника воситалари билан ўйнаш оқибатида турли даражада куйган ва бошқа жароҳат олганлар сони кўпайган. Шифокорларнинг сўзларига кўра, айрим “ўйинқароқлар” қўл-оёғидан ажралган ёки турли жароҳатлар олган, кўриш ва эшитиш қобилиятини йўқотган. Бундан кўриниб турибдики, бир лаҳзалик бундай ўйланмасдан қилинадиган вақтичоғлик оғир оқибатларга олиб келади.

Пиротехника воситаларини ноқонуний ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, сотиш ва мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш каби хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида 2010 йил 22 сентябрда “Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Бугунги кунда пиротехника воситаларидан фойдаланиш ҳолатлари, улардан жабр кўрганлар ҳамда фавқулодда ҳолатлар сони камайгани кузатилмоқда.

Бироқ, тегишли органлар томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Янги йил байрами яқинлашгани сайин мамлакатимизга пиротехника буюмларини олиб кириш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Бунинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўз бурчини зийраклик билан адо этмоқда.

— Мамлакатимизга петарда ва мушакларни ноқонуний олиб кириш ҳолатлари учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган, — дейди Давлат божхона қўмитаси катта инспектори Мастура Абдуллаева. — Бу пиротехника воситалари олиб кирилишининг олдини олиш муҳим ва масъулиятли вазифа эканидан далолат беради. 2014 йилнинг ўтган даврида божхона постларида 54 қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, 2,3 мингдан ортиқ турли пиротехника буюмлари мусодара қилинди.

Мамлакатимизда пиротехника воситаларини сотиш ва улардан фойдаланишнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари умумтаълим муассасалари, бозорлар ва жамоат жойларида 360 дан ортиқ рейд ўтказди. Рейд давомида пиротехника воситалари савдоси ва улардан фойдаланиш ҳолатлари аниқланмади. Бу маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказилаётган тушунтириш ишларининг самарасидир.

Мухтасар айтганда, Янги йил байрамини тинч ва осойишта ўтказиш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Бинобарин, ҳушёр ва огоҳ бўлиш — ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Муҳаммад ҚАРШИБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ ВА ҚИШКИ ТАЪТИЛ

## *кўтаринки руҳда, мазмунли ўтишини таъминлаш чоралари белгиланди*

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида вазирлик мутасаддилари иштирокида навбатдаги видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳамда ҳудудий бошқарув идоралари мутасаддилари жойларда туриб тўғридан-тўғри кузатиб борди.

Видеоселекторни Халқ таълими вазири У.Иноятов олиб борди. Тадбирда республикамиздаги барча умумтаълим муассасалари, маданият марказларида Янги йил байрами ва «Президент арчаси» тадбирларини кўтаринки руҳда ташкил этиш, қишки таътил кунларини кўнгилли ўтказиш, «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказлари фаолиятини жонлантириш масалалари таҳлил этилди.

Айни пайтда барча таълим муассасалари байрамона безатилиб, болажонлар қалбига ўзгача шукуҳ бахш этмоқда. Мамлакатимизда меҳрибонлик, мурувват, болалар уйларида тарбияланаётган болалар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар ҳамда хизмат фазифасини адо этиш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига Янги йил байрами муносабати билан «Президент совғалари»ни топшириш хайрли анъанага айланган. Бу йил ҳам 11000 та ана шундай совға тайёрланган бўлиб, 24-25 декабрь кунлари жойларга етказиб бериш режалаштирилган. Байрам кунлари ўқувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Таътил кунлари «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, мусобақалар ташкил этиш, чет тили ва турли касб-ҳунарларни ўргатиш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, таълим муассасаларида «Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари»га риоя этиш аҳволи, жойларда васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилаётган вазифалар юзасидан вазирлик мутасаддиларининг ҳисоботлари тингланиб, атрофлича муҳокама этилди, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ma’rifat» мухбири**

2014-yil 20-dekabr, № 101 (8750)

Jarayon

*Йилдан-йилга чирой очиб бораётган чекка туманлардаги умумтаълим мактаблари ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланаётгани педагогларнинг касбига муносабати ва масъулиятини янада оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра ташаббускор, иқтидорли, ижодкор ва изланувчан педагоглар директор жамғармаси ҳисобидан рағбатлантириб борилаяпти. Мазкур механизм молиявий масалаларни ҳал этишда мактабларнинг мустақиллигини ошириб, ўқитувчилар орасида «Ишлаган, албатта, рағбат топади» деган фикрнинг шаклланишига асос бўлди. Ўз устида тинимсиз ишлаб, ўқувчиларга чуқур таълим-тарбия бераётган ўқитувчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ошмоқда.*

# ТАЪСИРЧАН РАҒБАТ МЕХАНИЗМИ

***Директор жамғармасидан белгиланадиган устама ҳақини ўқитувчи фаолиятини мунтазам мониторинг қилиб бориш асносида, натижага кўра адолатли тақсимлаш таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади***

Ангор туманидаги 47та умумтаълим мактабида 1723 нафар педагог фаолият кўрсатади. Туман ХТМФМТТЭ бўлимининг ДТСга риоя этиш мониторингини методик таъминлаш кичик гуруҳи раҳбари Қўшоқ Жўраевнинг маълумот беришича, бугун туманда 1456 нафар фан ўқитувчисидан 554 нафари касб маҳорати, синфдан ташқари тарбиявий ишлари, айрим педагоглар эса ҳар иккала йўналиш бўйича ҳам ойлик маошларига қўшимча устама ҳақи олиб ишламоқда. Мактабда педагоглар ва ота-оналар иштирокида устамалар белгиловчи махсус комиссия ташкил этилиб, ўқитувчиларнинг йил давомидаги фаолияти, синф ўқувчиларининг ўзлаштириши мониторинг қилиб борилади. Одатда ўқувчиларининг билим самарадорлиги 75 фоиздан ошган педагогнинг фаолиятигина устама ҳақи белгилаш мақсадида ўрганилади. Дастлабки мониторинг йилнинг апрель-май ойларида ўтказилиб, махсус комиссия келгуси ўқув йилида устама оладиган ўқитувчиларни аниқлайди. Ноябрь-май ойларидаги мониторингда эса ўқитувчининг устама ҳақини қай даражада оқлаётгани қайта таҳлил қилинади. Агар олдинги мониторингда ўқитувчи устама ҳақи ололмаган бўлса, у ўтган давр мобайнида ўз устида ишлаши, изланиши ва таълим самарадорлигини ошириб, рағбат олиш имкониятини қўлга киритиши мумкин. Аксинча, устама ҳақи олишига қарамасдан, ўқувчиларининг ўзлаштириш самарадорлигида пасайиш кузатилса ва ўқитувчининг ишга муносабатида совуққонлик сезилса, устама фоизи камайиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бу ўқитувчининг кейинги имкониятларига ҳеч қандай салбий таъсир ўтказмайди. Яъни, у ўз касбий маҳоратини ошириш орқали яна устама олиш ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин.

Одатда устама касбий маҳорат ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлар учун ўқитувчи маошининг 15—25 фоизи миқдорида, агар ҳар икки йўналиш бўйича ҳам белгиланса, иккаласи бирга 40 фоиздан ошмаган ҳолда тўланади. Фан олимпиадалари, билимлар беллашуви, туман ва вилоят миқёсидаги тадбирларда ўқувчилари фаол қатнашган, шунингдек, ижодкорлиги ва фаоллиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётган ўқитувчилар биринчилардан бўлиб устама олишга тавсия этилади.



## ЯХШИ ИШЛАГАН — ЯХШИ ЯШАЙДИ

Ангор туманидаги 13-мактаб 2012 йилгача рейтинг бўйича ҳудуддаги мактаблар ичида 17-ўринда турарди. Ташаббускор педагог Норбой Мамадиев таълим масканига раҳбар этиб тайинлангач, муассасадаги тартиб-интизом ва таълим сифати ҳам ўзгара бошлади. Раҳбар педагоглардан тартиб-интизомга қатъий риоя этишни, ҳар бир фан ўқитувчисининг иқтидорли ўқувчилар билан алоҳида ишлашини йўлга қўйди. Ўқув йилининг бошида барча ўқитувчи, агар шу йўналишдаги ишларни тўлақонли олиб бормаса, ўқувчиларининг турли танловларда иштирокини таъминламаса, бу каби ҳолатлар кейинги ўқув йили учун дарслар тақсимотида ёки жорий рағбатлантиришда ҳисобга олиниши ҳақида огоҳлантирилади. Натижада рақобат муҳити шаклланиб, фаол, дарсларида ўқувчига янги мавзуни тўлақонли тушунтиришга интиладиган, қўшимча машғулотлар ўтказадиган педагоглар сони орта бошлади.

Мактаб ҳудудидаги 1 гектардан ошиқроқ ер майдони қишлоқ тадбиркорларига берилиб, деҳқончиликдан олинадиган даромад ташаббускор ва илғор ўқитувчи ҳамда ўқувчиларни рағбатлантиришга йўналтирилди. Масалан, ўқувчиси билимлар беллашувининг туман ва вилоят босқичида иштирок этган, мактабда тадбирлар ўтказиб, бошқаларга ҳар томонлама намуна бўлган педагогларга маиший техника воситалари, фан йўналишига мос ва қўшимча бадиий адабиётлар совға қилиш ташкил этилди.

Меҳнати қадр топаётган ўқитувчилар ўқувчилари билан янада кўпроқ ишлашга интилаяпти. Бунинг натижасида билимлар беллашувининг туман босқичида 2012-2013 ўқув йилида 7 нафар, 2013-2014 ўқув йилида 11 нафар ўқувчи биринчи ўринни эгаллаб, мактаб рейтинг бўйича туманда етакчилардан бирига айланди. Вилоят босқичида эса ўқувчилардан 5 нафари совринли ўринларни қўлга киритди.

## БИРИНЧИЛИК СИРИ НИМАДА?

Ангордаги 3-мактаб жамоаси рейтинг бўйича бир неча йиллардан буён туманда биринчиликни қўлдан бой бермай келаяпти. 2013 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган мониторинг натижаларига кўра муассасадаги 74 нафар ўқитувчидан 36 нафарига устамалар белгиланган. 2014 йилнинг май ойидаги мониторинг таҳлиллари натижасида уларнинг 22 нафари самарали фаолият юритгани учун ўз устамаларини сақлаб қолди. Синфдан ташқари тарбиявий ишларини яхшилашга эришгани учун яна икки нафар ўқитувчи улар сафига қўшилди.

Мактабда ўқувчилар учун ойлик стипендиялар жорий этилган. Стипендия ҳар ойда, ҳар бир синфдан 3 нафар ўқувчига берилади. Ўқувчилар билими тест саволлари асосида мактаб маъмурияти иштирокида адолатли синовдан ўтказилади. Энг юқори балл тўплаган биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига тегишли миқдорда стипендиялар белгиланади.

— Мазкур стипендия ўқувчиларнинг билим олишида соғлом рақобатни юзага келтирмоқда, — дейди мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Нурхон Файзуллаев. — Жараёнда ўқитувчи ўз синфидаги ўқувчилари орасидан иқтидорли ва қобилиятлисини аниқласа, мактаб маъмурияти ўқувчиларнинг қайси фандан кўп саволга жавоб берган ёки бермаганлиги билан қизиқади. Фанидан кўп ўқувчилар тўғри жавоб берган педагог, албатта, устама ҳақи олади ва рағбатлантирилади. Стипендияни тақдим этишга бағишланган тадбирда бундай ўқитувчилар номи эълон қилинади. Ўқувчилари яхши натижа кўрсатиши учун ҳар бир фан ўқитувчиси ишига масъулият билан ёндашади, тинимсиз изланади. Биз, мактаб маъмурияти иқтидорли ўқувчиларнинг ота-оналарига ташаккурномалар юбориб, уларни фарзандлари ўқишига янаям эътиборли бўлишга чорлаймиз.

## ЭЪТИБОРДАН КУЧ ОЛГАН МУАЛЛИМАЛАР

Сурайё Муродова Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси. У ҳам устама ҳақи олиб ишлаётган ҳамкасблари сафига қўшилганига анча бўлди. Рағбатдан куч олиб янги марралар сари одимлаётган муаллима қайта ўтказиладиган мониторинг таҳлилларида ҳеч қачон уялиб қолган эмас. Аксинча, янги ва илғор педагогик технологияларни ўзлаштириб, дарс самарадорлигини оширишга ҳаракат қилади. У 2012 йили «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни қўлга киритган эди. Танловда изланувчан ва ташаббускор педагоглар билан тажриба алмашгани Сурайё Муродованинг ғайратига ғайрат қўшди. АКТдан фойдаланиб қизиқарли дарслар ташкил этишга киришди. Интернет тармоғидаги таълим порталларига кириб, керакли маълумот ва дарс ишланмалари намуналари билан танишадиган, ўзи ҳам ижодий ёндашган ҳолда яратган ноанъанавий дарсларини сайтларга жойлаштирадиган бўлди. Кўп ўтмай шахсий сайтини ҳам яратди. Сайтга педагог ўқиш, она тили, математика, табиатшунослик ва одобнома фанларидан қизиқарли дарс ишланмаси ва методик мақоларини жойлаштириб келмоқда. Мактаб маъмурияти кейинги йилдан ўқитувчига белгиланган устама ҳақини оширишни режалаштираяпти.

Ғиждувон туманидаги 52-мактабнинг француз тили ўқитувчиси Шаҳло Саидова етти йилдирки касбий маҳорати ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлари учун 25 фоизлик устама олади. Ўтган ўқув йилида ўқувчиси билимлар беллашувининг туман босқичида 1-, вилоят босқичида 3-ўринни эгаллагач, устама ҳақи 30 фоизга оширилди. Жорий йилда педагог Франция элчихонаси томонидан 1-синф ўқувчиларига чет тилларни ўқитишга бағишлаб ўтказилган семинар-тренингда фаол иштирок этиб, энг илғор ўқитувчилар қаторида Франциянинг Моньпелье шаҳрида «Тинглаб тушуниш» ва «Тинглаб, тушуниб, гапириб бериш» мавзуларида тажриба ўрганиб қайтди. Айни пайтда у бошланғич синфларга француз тилини ўргатишда илғор методларни самарали қўллаб, дарсларини янада қизиқарли ташкил этмоқда.

— Ҳафтада бир кун иқтидорли ўқувчилар ва яна бир кун бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан, билимлар беллашувига тайёргарлик кўраётган ўқувчиларим билан эса ҳар куни дарсдан кейин шуғулланаман, — дейди педагог. — Мактабимизда ишлаган, ўз касбини севган ўқитувчи ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди. Устама ҳақи олади, рағбатлантирилади. Меҳнати маҳсулини ўқувчиларининг фанни ўзлаштириши, ютуқларида кўриш эса ҳар қандай педагогни руҳлантириб, янги марралар сари чорлайди.

Ҳа, қаердаки ўқитувчи меҳнати адолатли баҳоланса, педагог меҳнатига яраша ҳақ ва рағбат олса, ўша таълим масканида соғлом рақобат муҳити юзага келади.

**Зебо НАМОЗОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

2014-yil 20-dekabr, № 101 (8750)

## Yangiliklarda yurt nafasi



**Бухоро вилояти Жондор туманида янги барпо этилган туғруқ мажмуи ва капитал таъмирланган поликлиника бинолари фойдаланишга топширилди.**

Туғруқ мажмуида ҳомиладорликка оид касалликларни даволаш, туғруқ ва гинекология, жарроҳлик хоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш учун барча қулайликлар яратилган. Поликлиникадаги рақамли рентген аппарати ва ташхис жиҳозлари турли касалликларни эрта аниқлаш ҳамда беморларни амбулатория шароитида соғломлаштиришга хизмат қилади.

— 2014 йилда Вобкент тумани марказий поликлиникаси, Олот туманида 60 ўринли даволаш, шунингдек, қабул ва диагностика бўлимларини ўз ичига олган мажмуа ишга туширилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Жамшид Тоҳиров. — Вилоят онкология шифохонаси, болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва бошқа қатор даволаш муассасаларида реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2015 йилда яна ўн бир тиббиёт муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

**Тошкент Фотосуратлар уйида «Маҳалла — маънавият ўчоғи» фототанлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Бадиий академия, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фотоижодкорлар, фото санъати ихлосмандлари иштирок этди.

Мазкур фототанловни ташкил этишдан кўзланган мақсад маҳаллалар томонидан бу борада амалга оширилаётган эзгу ишларни ва ибратли тажрибаларни кенг тарғиб этиш, ёшларни миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашдан иборат.

Танловга ўттиз профессионал ва ҳаваскор фотоижодкор тўрт юзга яқин фотоасарини тақдим этди. Уларда миллий ва маънавий қадриятлар, миллатлараро тотувлик, яхши қўшничилик анъаналари, жамоатчилик комиссиялари, "Ота-оналар университети" тузилмаси, "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлик дастурининг ўзига хос йўналишлари ифода этилган.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Пойтахтимиздаги "Nestle Uzbekistan" масъулияти чекланган жамиятида экологик соф технологиялар тарғиботига бағишланган медиатур бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Чинор" экологик нашриёт компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, эколог мутахассислар, ишлаб чиқарувчилар, ОАВ ходимлари иштирок этди.

Тадбирда экологик соф технологияларни кенг жорий этиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган экологик лойиҳалардан аҳолининг хабардорлигини ошириш, жамиятда экологик маданиятни юксалтиришда давлат, жамоат ташкилотлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга оид маърузалар тингланди.

Медиатур иштирокчилари корхонада қўлланилаётган замонавий технологиялар, истиқболли лойиҳалар билан бевосита танишди.

**Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон бўлими кўргазмалар саройида мусаввир Феруза Хўжаметованинг Соғлом бола йилига бағишланган шахсий кўргазмаси очилди.**

Кўргазмада ижодкорнинг юздан зиёд мўйқалам, графика, амалий санъат асарлари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон Бадиий академияси ҳузуридаги Рассомлар ижодий бирлашмаси аъзоси Феруза Хўжаметованинг портрет, пейзаж, натюрморт жанрларида яратган асарлари, турли композицияларини тасвирий санъат ихлосмандлари катта қизиқиш билан томоша қилмоқда. Айниқса, унинг "Аёзқалъа", "Буви ва набира", "Она портрети", "Баҳор", "Ботаника боғи", "Дала гуллари", "Келин", "Қуёшнинг ботиши", "Чавандоз" каби картиналари, композиция ва декоратив асарлари мутахассислар ва томошабинлар эътирофига сазовор бўлмоқда.

**Андижон вилоятининг Жалақудуқ тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими капитал реконструкция қилинган янги бинода иш бошлади.**

Унинг очилишига бағишланган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, барча соҳалар, хусусан, адлия идораларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар учун қулай шарт-шароит яратиш, тизимнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

"Яхшилик сари" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилган янги бинода аҳолига юқори савияда хизмат кўрсатиш учун барча зарур шароитлар муҳайё этилган.

— Янги йил байрами арафасида янги бинода иш бошлаганимиздан хурсандмиз, — дейди туман ФҲДЁ бўлими мудири Ж.Ортиқов. — Кенг ва ёруғ хоналар, замонавий ахборот-телекоммуникация технологиялари фаолиятимиз янада самарали бўлишига хизмат қилади.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.**

# Ёш журналистларга юксак эътибор

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ёшлар ижод саройида "Йилнинг энг фаол ёш журналисти" республика кўрик-танлови совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.**

Ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий менталитетимизга ёт ахборий хуружларга қарши курашишда фаоллигини ошириш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ўз иқтидорини намоён этишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва ҳомий ташкилотлар вакиллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Жорий йили мазкур кўрик-танловга 30 ёшгача бўлган 400дан ортиқ журналист ўзининг 3 мингдан зиёд ижодий ишлари билан қатнашди. Бу эса йилдан-йилга кўплаб иқтидорли ва истеъдодли ёшлар соҳага кириб келаётганини кўрсатади. Телевидение, радио, матбуот, фото ва интернет журналистикаси йўналишлари бўйича ғолиб деб танилган иқтидорли ёшлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбир доирасида "Камолот" стипендияси танловининг 55 нафар ғолиби ҳам аниқланиб рағбатлантирилди.

**Олимжон ЖУМАБОЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# Муҳокамада чет тили таълими

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида «Ўзбекистонда хорижий тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштиришда умумевропа компетенциялари (CEFR)ни татбиқ этиш масалалари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари вакиллари, хорижлик экспертлар, юртимиздаги нуфузли олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этган анжуманда Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга оширилган ишлар, яратилаётган ўқув-услубий қўлланмалар, чет тилларни замонавий педтехнологиялар асосида ўқитиш борасидаги ҳамкорлик самаралари хусусида сўз юритилди.

— Ўқувчи ва талабаларга хорижий тилларни интерфаол электрон воситалар асосида ўқитишда мукаммал дарслик, замонавий АКТ ҳамда илғор методлар муҳим ўрин тутади, — дейди ЎзДЖТУ ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази раҳбари Мираббос Ирискулов. — Марказимизда чет тили ўқитувчиларига методик ёрдам кўрсатилиб, мунтазам равишда уларнинг малакаси ошириб борилмоқда.

Номутахассис йўналишдаги талабаларнинг ёзув, сўзлашув, ўқиш ва тинглаб тушунишга оид билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга бағишланган видеоконференцияда мутахассисларга атрофлича маълумот берилди. Анжуман иштирокчилари «Методика», «Тилшунослик» ҳамда «Адабиётшунослик, таржимашунослик в[illegible] журналистика» шўъбаларига бўлинган ҳол[illegible] ўзаро фикр алмашди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# Тўгараклар самарадорлиги оширилмоқда

**Қашқадарё вилоят "Баркамол авлод" болалар марказида "Ўлкашунослик ва экология, техник ижодкорлик йўналишларида тўгараклар самарадорлиги ва ўқувчилар қамровини ошириш" мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.**

Тадбирда туман "Баркамол авлод" болалар марказлари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, услубчилар ҳамда тўгарак раҳбарлари иштирок этди.

Ўқув-семинарда "Баркамол авлод" болалар марказлари ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини юритиш, машғулотлар олиб бориш, услубчининг тарғибот ишлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбир иштирокчилари вилоят "Баркамол авлод" болалар марказида яратилган қулайликлар билан танишиш асносида тўгарак машғулотларида ҳам иштирок этишиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

**Ўктам МЕЙЛИЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# Шоира ижодига эҳтиром

**Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги тиббиёт коллежида халқимизнинг суюкли фарзанди, шоира Зулфия ижодига бағишланган ижодий учрашув бўлиб ўтди.**

Юртбошимизнинг шоира таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисидаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, «Шуҳрат» медали соҳиби, шоир Ғайрат Мажид ва бошқа ижодкорлар иштирок этди. Тадбир аввалида коллежнинг ёш ижодкорлари Зулфия шеърлари ва ўз ижодларидан намуналар ўқишди.

— Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад ўқувчиларни адабиёт, шеърият оламига ошно қилиш, ёшларни севимли шоирамиз Зулфия ижоди билан янада яқинроқ таништиришдан иборат,— дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нигора Жамолова. — Билим масканимизда Зулфияхоним ижодига ҳавас қилиб шеърият оламига қадам қўяётган ёшлар талайгина. Улар гарчи тиббиёт соҳасини танлаган бўлса-да, шеърлар машқ қилиб туришни ҳам канда қилишмайди.

Тадбир меҳмонлари тиббиётчи ўқувчиларга ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

**Жўрабек ЖАНГИРОВ**

# Ҳар дарснинг ўз «харита»си бор

**Пойтахтимиздаги 273-мактабда «География фанидан билим самарадорлигини ошириш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.**



Тошкент шаҳар ПКҚТМО институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ўқув хонасини замон талаблари асосида жиҳозлаш, дарсларда улардан унумли фойдаланиш, илғор педагогик усуллар ва ахборот технологияларини самарали қўллаш бўйича фикр алмашилди.

— Аксарият ўқитувчилар ҳар сафар глобус ёки харита олиб кириб, дарс ўтиб чиқиб кетаверади. Ваҳоланки, ҳар бир дарснинг ўз «глобус»и, «харита»си борлиги, яъни усулларга қараб кўргазмали воситалар танланишини ёдидан чиқариб қўяди, — дейди Тошкент шаҳар ПКҚТМО институти «Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари» кафедраси катта ўқитувчиси Турсуной Исамуҳаммедова. Ўқувчиларни машғулотларга қизиқтириш учун ранг-барангликни таъминлаш, дарсларни кўргазмалилик асосида ноанъанавий ташкил этиш лозим. Шундагина ёш авлодга янги маълумот бериш, билимларини бойитиш мумкин.

Тадбир сўнгида иштирокчилар мактабнинг тажрибали география ўқитувчиси, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси—2010» танлови ғолиби Лола Болтаеванинг интерфаол дарсини кузатишди.

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

2014-yil 20-dekabr, № 101 (8750)

# ЯНГИЛАНИШЛАР КЎЗНИ ҚУВОНТИРАЯПТИ

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ходимлари ҳар қачонгидан ҳам ишчан кайфиятда фаолият юритишаяпти. Боиси, яқинда институт биноси капитал таъмирдан чиқарилди.**

— Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори институтимиз фаолиятини янги босқичга кўтарди, — дейди Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти директорининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари Жавлон Ёқубов. — Қарор асосида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тўғрисида низом ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Замон талабларини ҳисобга олган ҳолда институтимиз тузилмаси янгиланди. Республикамиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ва педагогларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга ихтисослаштирилган 41та олий таълим муассасаси учун ягона меъёрий-услубий базани ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнини ташкил қилиш юзасидан бош муассасага айлантирилди. Яқинда эса мазкур қарорнинг 12-бандида белгиланганидек, институтнинг ўқув биноси ва ётоқхонаси мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Керакли мебель, замонавий ўқув ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланди.

*Qaror va ijro*





Бугун бу ердаги энг замонавий асбоб-ускуна ва ўқув жиҳозлари, ахборот-коммуникация технологиялари малака оширишга келган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси раҳбар ходимлари кўзини қувонтираяпти. Бошқарув психологияси бўйича янгиликлар билан танишаман, ёхуд малакамни янада ошираман, деган тингловчилар учун шай қилинган ўқув аудиториялари сони 18тадан 28тага етказилиб, ҳар бир аудитория монитор ва нетбуклар билан таъминланди. Бу жиҳозлар профессор-ўқитувчиларнинг машғулотоларни янада самарали, энг замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда тақдимот, видеодарс шаклида олиб боришига хизмат қилади. Ахборот-ресурс маркази майдони ҳам 1,5 баробарга кенгайди. Компьютерлар сони 161тадан 208тага етказилди.

Тингловчиларнинг бир ой давомида кўпроқ билим ва тажрибаларни ўзлаштириши учун етарли шарт-шароитга эга тураржойнинг ҳам ўрни бор. Таъмирда бу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўринлар сони 150тадан 250тага ортди. Аввалига 4та бўлган ювиниш хонаси 62тага, душ эса 2тадан 16тага кўпайтирилди.

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

***Ўқувчиларни тарбияга, одоб-ахлоққа чорловчи «одобнома», «тарбиявий соат» дарслари мактаб даврида қолиб кетади. Бироқ олий ўқув даргоҳида панд-насиҳатлар, кўрсатма ва тавсияларнинг ўзгача кўринишлари, жиддий шакллари пайдо бўлади. Талабага сифатли таълим бериш, маънавияти, дунёқарашини кенгайтириш, истеъдод ва иқтидорини қўллаб-қувватлаш, илмий изланишларига йўл очиб бериш ўша илк сабоқларнинг такомиллашган кўринишларидир. Ёшларнинг демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнларида фаол иштирокини таъминлаш ҳамда интеллектуал салоҳиятини эл-юрт тараққиётига ҳисса қўшишга йўналтириш каби асосий йўналишлар, уларни илмий ва маънавий камолотга элтувчи омиллар ҳисобланади.***

# ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ

## *талабалар фаоллиги ошишида муҳим омил вазифасини ўтаяпти*

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида ҳам ёшларни соғлом ва баркамол авлод қилиб тарбиялаш, илмий салоҳиятини юксалтириш ва имкониятлар яратиб беришга доир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда институтда 6 та факультет, 25та кафедра, ўқув-услубий, магистратура, маркетинг хизмати, иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимлари, «Ахборот технологиялари» ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатмоқда. 2014 йилги давлат илмий-техник дастурлари доирасида устувор йўналишларда умумий ҳажми 414 млн 938 минг сўм бўлган 5та амалий ва 3та инновацион лойиҳа устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Энг қувонарлиси, ушбу илмий тадқиқот ишларида 24 нафар иқтидорли талаба ҳам иштирок этаяпти.

Айтиш жоизки, «Олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича намунавий тадбирлар режаси» асосида институтнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Чунончи, ўқув муассасасида минтақа ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Институтнинг 19та кафедрасида етакчи профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар, магистрантлар, иқтидорли талабалар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассисларидан ташкил топган инновацион гуруҳлар фаолият олиб бораяпти. Иқтидорли талабалар корхоналарнинг реал технологик муаммолари ечимига қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирокчига айланиб боришмоқда. Энг муҳими, минтақа ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларининг иқтисодий ва технологик муаммоларига институтда амалга оширилаётган илмий-амалий ва инновацион тадқиқотларда ечим изланмоқда. 121та ишлаб чиқариш корхонаси ва ташкилотларда 20та кафедранинг филиали ташкил этилиб, фаолият юритмоқда. 35 нафар ишлаб чиқариш мутахассиси кафедраларда ўриндошлик асосида педагогик фаолиятга жалб этилгани ўзига хос ижобий натижаларни бераяпти.

Иқтидорли ёшларнинг илмий-ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш ва мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида ёшларнинг фаоллигини оширишда институтда ташкил этилган Истиқболли ёш олимлар мактаби, Илмий-амалий тадқиқотларни ривожлантириш ва инновация марказининг катта ҳиссаси бор. Илмий-амалий тадқиқотларни ривожлантириш ва инновация марказига энг истеъдодли олимлар, ёш олимлар, катта илмий ходимлар, изланувчилар ҳамда иқтидорли талабалар жалб қилинган. Марказда талабаларнинг ҳам инновацион ғоялари, ишланмалари, рационализаторлик ишлари, лойиҳалари муҳокама қилинади, сўнгра анъанавий ярмаркага тақдим этилади.

Эътиборлиси, иқтидорли талабалар ва ихтирочилар ҳар йили пойтахтимизда ўтказиладиган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида илмий ишланмалари билан мунтазам иштирок этиб келишмоқда. Биргина жорий йилнинг 23—25 апрель кунлари Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ»да ўтказилган ушбу анъанавий ярмаркада институт олимлари ва талабалари томонидан 21та илмий ишланма намойиш этилди. Шундан 9та лойиҳа профессор-ўқитувчилар, 9та ишланма ёш олимлар ва иқтидорли талабалар, 3та лойиҳа эса муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш йўналишида намойиш қилинди. Ярмаркага тақдим этилган лойиҳалар вилоятдаги мавжуд илмий-технологик муаммоларнинг ечимига қаратилган бўлиб, илмий-техник янгилиги ихтирога олинган патентлар билан ҳимояланган.

Қолаверса, институтимизда Ўзбекистон Республикаси ФА “Физика-Қуёш” ИИЧБ қошидаги Физика-техника институти, Энергетика ва автоматика институти, Тошкент давлат техника университетининг етук олимлари билан ҳамкорликда муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш йўналишида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотларни талабаларнинг илмий ишлари билан уйғунлаштириш мақсадида Германия академик алмашинуви (DAAD) дастурининг “Ривожланаётган мамлакатларда илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим тизимини такомиллаштириш гранти” асосида 2013 йили “Муқобил энергия манбалари” ўқув-илмий лабораторияси ташкил этилди. Ушбу лаборатория таркибида автоном электр таъминоти учун поликристалл қуёш панеллари, қуёш энергиясидан иссиқ сув оладиган вакуумли коллекторлар, шамол двигате-

*Izlanish*

ли, қуёш радиацияси, ҳавонинг босими, намлиги, ҳарорати ҳамда шамолнинг тезлиги ва йўналишини юқори аниқликда ўлчаш имконини берадиган «Метео-32» ўлчов асбоблари мажмуаси мавжуд. Ушбу замонавий ўқув-илмий лаборатория институтнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фан-таълим-ишлаб чиқариш ўртасидаги корпоратив ҳамкорлик, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш учун катта имконият яратади.

Институтда халқаро алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, ёш тадқиқотчиларимизнинг халқаро илм алмашинувларига кўмак берилмоқда. Айни пайтда институт олимлари 20 га яқин хорижий мамлакатлар (Германия, Хитой, Италия, Жанубий Корея, Голландия, АҚШ, Исроил, Швеция, Испания, Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон) олий таълим муассасалари билан ўзаро илмий-услубий ҳамкорлик шартномалари асосида иш олиб бормоқда. Халқаро алоқалар бўлими фаолият юрита бошлагандан сўнг кейинги 3 йилда институт олимлари Европа Иттифоқининг 3 та халқаро лойиҳасида иштирок этди ва халқаро лойиҳалар ҳисобидан замонавий компьютер жамланмаси билан жиҳозланган 4 та ўқув хонаси ташкил қилинди. Шунингдек, ёш олимлар, магистрлар илмий сафарларга юборилди.

Хуллас, бундай инновацион фаолият яқин келажакда ўз самарасини бериб, битирувчиларимизнинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшадиган етук кадрлар бўлиб етишишига шароит яратиши тайин.

**Ғулом УЗОҚОВ,**
**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий ишлар бўйича проректори**

*Tajriba*

# «ТОҒ ЎЙИНИ»

## ўқувчиларни билимлар чўққисига элтади

Ўқувчини дарсга қизиқтирмасдан туриб у ёки бу мавзуни пухта ўргатиш қийин. Шунинг учун дарсда турли дидактик воситаларга мурожаат қилиш самаралидир. Қуруққина ўтилган дарсга ўқувчи қизиқмайди, диққати тарқоқ бўлади. Шуни ҳисобга олиб, ўқувчиларимни машғулотга қизиқтиришда янги педагогик технологиялар асосидаги интерфаол усул ва дидактик ўйинлардан кенг фойдаланаман.

Уч йилдирки, мактабимизда "Тил билган — эл билади" тўгараги аъзолари билан бирга "Қўғирчоқ театри" ташкил этганмиз. Театрдаги фаолият ўқувчиларнинг севимли машғулотига айланган. Кичик театримизнинг ўн икки ёш «актёри» кўмагида фойдаланишга яроқсиз костюмлар, картон қутилар, пенопласт ва қоғозлардан ўйнлаб эртак қаҳрамонларининг қўғирчоқларини ясаганмиз. Анор, беҳи, олма каби мевалар, қовоқ, шолғом, сабзи, қовун сингари сабзавотларнинг чиройли, рангли макетларини тайёрлаганмиз. Тикувчи бўлганим боис қўғирчоқларни асосан ўзим бичиб, тикаман. Ҳозир бу ишга фаол тўгарак аъзоларини ҳам жалб қилганман.

"Қўғирчоқ театри"нинг таълим-тарбия жараёнида алоҳида ўрни борлигини тажрибамда синаб кўрдим. Бунда, аввало, ўқувчи, ота-она, ўқитувчи ва мактаб ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилади. Қолаверса, эртакларни саҳналаштириш, қўғирчоқлар ва зарур анжомларни тайёрлаш жараёнида ўқувчи-ёшларни касбга йўналтириш мумкин. Асосийси, қўғирчоқлар иштирокидаги машғулотлар ўқувчилар учун жуда қизиқарли кечади. "Бўри билан қўзичоқ", "Чол ва тулки", "Кучукча ва мушукча", "Шолғом", "Турна" каби ўнга яқин эртакларни саҳналаштирганмиз. Кичик ролларга паст ўзлаштирувчи ёки шўх, тартибсизликка мойил болаларни ҳам таклиф этаман. Саҳна кўриниши ва унга тайёргарлик жараёнида тарбиявий ишларни амалга оширишга, ўқувчиларимни фаоллаштиришга ҳаракат қиламан. "Энг фаол ўқувчи", "Олқишга сазовор актёр", "Янги ташаббус муаллифи", "Чевар тикувчи", "Энг чиройли қўғирчоқ муаллифи" номинациялари бўйича ғолибларни ҳар ойда аниқлаб, рағбатлантириб бораман.

Ўтган ўқув йилида "тоғ" макетини ясадик. Унга "Тоғ ўйини" деб ном бериб, дарсларимда қўллаб кўрдим. Ўйин тартиби шундай: тоғ ёнбағри адирларга уланиб кетган. Сўқмоқлар бўйлаб кўтарилган сари ўқувчи 1, 2, 3, ... билан рақамланган белгиларга дуч келади. Уларнинг орқа томонида эса савол берилган. Саволнинг жавобини тўғри топиб, белги ўрнига ўрнатган ўқувчигина йўлда давом этиши мумкин. Чўққига интилган сари ўқувчининг баллари ошиб боради. Энг баланддаги саволга ҳам тўғри жавоб берган болани барча олқишлайди. Тасмага олдиндан ёзиб қўйилган "Баракалла, сен ғолибсан" деган сўзлар ва олқишлар янграйди. Ўйин асносида ўқувчиларга чўққини забт этиш, бунда кўпроқ билим тўплашга интилиш кучаяди.

"Тоғ ўйини" макетининг имкониятлари жуда кенг. Масалан, ўйин жараёнида "Тоғдаги қайси дарахтлар узоқ йиллар яшайди?", "Тоғда қайси ҳайвон, куш турлари кўп учрайди?", "Тоғ чўққисига чиқиш инсондан қай даражада жисмоний ва руҳий тайёргарлик, ирода талаб этади?" каби саволлар орқали ўқувчиларга экологик тарбия бериш мумкин. Ўзбекистон табиати, иқлими, ҳайвонот ва наботот олами, йўқолиб бораётган турлар ҳақида маълумотлар келтириб, болаларни она табиатни севишга, асраб-авайлашга ундайман.

Макетлаштирилган усуллардан яна бири "Шашка ўйини"дир. Бунда қўлда ясалган магнитли катта шахмат доскасидан фойдаланилади. Ўйинда икки гуруҳ иштирок этиб, шашка доналарини юришдан олдин унинг орқасидаги саволга тўғри жавоб топиш талаб этилади. Борди-ю, тўғри жавоб топилмаса, дона рақиб жамоасига бой берилади. Ўйин шу тарзда давом эттирилиб, ғолиб аниқланади.

**Лола СУЛАЙМОНОВА,**
**Вобкент туманидаги**
**21-мактаб ўқитувчиси**

# ЯЛҚОВ ДАРАХТГА НЕЧА КУНДА ЧИҚАДИ?

Бошланғич синфларда фан мусобақалари ва бошқа қизиқарли беллашувлар ўтказиб, фаол ўқувчиларни рағбатлантириб бориш болаларнинг таълимга қизиқишини оширади, синфларда соғлом рақобат муҳитини юзага келтиради.. Беллашувларни ҳар чорак охирида ёки мактабда кенг нишонланадиган байрам саналари арафасида ўтказиб, ғолибларни тантанали равишда мукофотлаш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, бошланғич синф ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаси ҳам, билимлар беллашуви ҳам ўтказилмайди. Айниқса, қуйи синфларда математика фанидан мусобақалар ўтказиш тажрибаси кам кузатилади. Айрим педагогларнинг айтишича, бунинг сабаби тадбирлар учун қўлланма ёки мисол ва масалалар тўплами етарли эмаслигидир. Аммо, бизнингча, қуйи синф ўқувчилари учун мос топшириқларни тузиш ўқитувчилар учун қийин эмас. Қолаверса, дарсликларнинг деярли ҳаммасида қизиқарли мисол ва масалалар, турли бошқотирмалар берилган. Педагог уларга ижодкорона ёндашиб, қўшимча математик адабиётлардаги содда мисол ва масалалардан ҳам фойдаланиб, синфлараро мусобақалар, математик кечалар ташкил этиши мумкин. Бунинг учун кундалик дарсларнинг маълум минутида ўқувчилар билан оддий топишмоқларга жавоб топишни машқ қилдириш керак. Масалан: «Зта от 30 км.га югурди. Ҳар бир от неча км.дан югурган?»; «Денгизда қандай тош бўлмайди?»; «Ғўлани 5 бўлакка ажратиш учун уни неча марта арралаш керак?»; «Самолёт Тошкентдан Нукусгача 1 соату 20 минут учади. Қайтишда 80 минут сарфлайди. Бу фарқни қандай тушунтириш мумкин?» ва ҳоказо. Шу каби масалаларни истаганча тўплаш мумкин.

Қуйида математик кеча ва тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш учун қўшимча адабиётлардан олинган масалаларни тақдим этамиз.

Булар болаларни юқори синфларда бўладиган билимлар беллашуви ва фан олимпиадасига психологик жиҳатдан тайёрлайди. Уларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини кенгайтиради.

1. Дорихонада 1, 2, 4, 8, 16 грамли тарози тошлари бор. Паллали тарозида 23 грамни ўлчаш мумкинми?

2. Агар китобнинг 60 варағи 1 см бўлса, 240 бетлик китоб варақларининг қалинлиги неча см бўлади?

*Qiziqarli masalalar*

3. Иккита қумсоатнинг бири 3 минутлик, иккинчиси 7 минутлик. Тухумни қайнаб турган сувга солиб, роппа-роса 4 минут ушлаб туриш керак. Қумсоатлар ёрдамида бу ишни қандай бажарса бўлади?

4. Катта столнинг тўртта бурчаги бор. Битта бурчакни арралаб ташладик. Нечта бурчак қолди?

5. 0, 1 ва 5 ёрдамида ёзиш мумкин бўлган барча уч хонали сонларни ёзинг. Рақамлар фақат бир марта ишлатилади.

6. Бешта 1 билан айириш амали ёрдамида 100 сонини ҳосил қилинг.

7. 4 га бўлинадиган энг катта икки хонали сонни кўрсатинг.

8. Учта узукнинг бири қалбаки бўлиб, ҳақиқийларидан енгил. Паллали тарозида бир марта тортишда қалбакисини топинг.

9. 5 литрлик челак ва 3 литрлик шиша идиш ёрдамида ҳовуздан қандай қилиб 4 литр сув олиш мумкин?

10. Врач Алига ҳар 20 минутда ичиш учун 4та таблетка берди. Али уларни неча минутда ичиб тугатади?

11. Соат 30 секундда 6 марта бонг урса, 12 марта бонг уриши учун неча секунд керак?

12. Учинчи қаватгача 60та зина бўлса, ҳар бир қават орасида нечтадан зина бор? (Биринчи қаватгача зина йўқ деб ҳисоблансин).

13. Ундан қанча олсанг, шунча катталашади. У нима?

14. Иккита ўнни учта ўнга кўпайтирдик. Нечта ўн ҳосил бўлди?

15. Ака уйдан мактабгача 30 минут, ука 40 минут юради. Агар ука акадан 5 минут олдин йўлга чиққан бўлса, акаси унга неча минутда етиб олади?

16. Ялқов дарахтга кун бўйи 10 метр кўтарилади ва кечкурун 9 метр пастлайди. Кун ёришиши билан яна кўтарилади. Кечкурун яна пастга ва ҳоказо. Ялқов бўйи 20 метрлик дарахт учига неча кунда чиқади?

17. Нон бўлагининг бир томонини қизартиришга 1 минут кетади. Товага фақат 2 бўлак сиғади. Зта нон бўлагининг ҳар икки томонини қизартириш учун неча минут кетади?

18. Ушбу 21, 19, 30, 25, 3, 12, 9, 15, 6, 27 сонлардан қайси учтасининг йиғиндиси 50 бўлади?

19. Шаҳардан 32 км масофадаги қишлоққа томон 12 км/соат тезлик билан велосипедчи, қишлоқдан шаҳарга томон 4 км/соат тезлик билан йўловчи бир пайтда йўлга чиқди. 2 соатдан сўнг улардан қайси бири шаҳардан узоқроқда бўлади?

20. Томонлари 3 см бўлган, бўялган, куб шаклидаги ёғоч 1 см.лик кубчаларга арралаб ажратилди. Уч томони бўялган кубчалар нечта? Икки томони бўялганлари-чи?

21. Али дарёга балиқ овига боради. Бир гал пиёда бориб, ортига велосипедда қайтди ва йўлга 40 минут вақт сарфлади. Бошқа сафар фақат велосипедда бориб келди ва йўлга 20 минут вақт сарфлади. Пиёда бориб келиш учун Али йўлга қанча вақт сарфлайди?

22. Зта товуқ 3 кунда Зта тухум қўяди. 12 та товуқ 12 кунда нечта тухум қўяди?

23. Югуриш йўлкаси четига бир хил масофада қозиқлар қоқилган. Биринчи қозиқдан югуриш бошланади. Агар чопаётган ўқувчи 12 минутда 4- қозиққа етган бўлса, яна неча минутдан кейин 7-қозиққа етади?

**Абдусаттор БЕРДИҚУЛОВ,**
**Данғара туманидаги**
**35-умумтаълим**
**мактабининг математика**
**фани ўқитувчиси,**
**Муножот БЕРДИҚУЛОВА,**
**Олмазор туманидаги**
**24-мактабнинг математика**
**фани ўқитувчиси**

***ТАҲРИРИЯТДАН:*** *Азиз газетхонлар! Ижодкор муаллимлар ушбу мақоласида берган мантиқий масалаларнинг тўғри жавобларини ҳам тақдим этишган. Бироқ биз, бир қараганда мураккабдек туюладиган, фақат рақамлар эмас, айрим ҳолларда сўзлар маъносига ҳам эътибор қилинган ҳолда ёндашилса, ечими осон топиладиган масалаларни ҳал этиш юзасидан ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан бироз ишлаши, болалар қизиқишини ошириш, ўзаро мусобақалашиш муҳитини яратиш мақсадида жавобларни газетамизнинг навбатдаги сонида эълон қилишни маъқул топдик.*

# БОЛАНГИЗ БОҒЧАГА ҚАТНАМАСА...

## уни мактабга сифатли тайёрлашда беш қўлланма сизга қўл келади



Кўчада ўйнаб юрган Ботир ва Асал ҳовлида рўзғор ишлари билан банд онаси олдига югуриб келиб деди:

— Ойижон! Меҳмон келди, сизни сўраяпти.

Маҳалла фуқаролар йиғинидан келган киши Наргиза билан ҳол-аҳвол сўрашгач:

— Болаларингиз боғчага қатнамас экан-а? — деди.

— Ўзим уйдаман, улар билан шуғулланишга вақтим етарли. Шунга боғчага бермагандик.

— Боғчага қамраб олинмаган болаларни мактабга тайёрлаш учун бешта китоб чоп этилди. Ота-оналарга қўлланмалардан қандай фойдаланишни тушунтириш мақсадида тадбир ташкил этиляпти. Эртага мактабга чиқинг...

Наргиза айтилган вақтда Чилонзор туманидаги 162-умумтаълим мактабида ҳозир бўлди. Шу куни ташкил этилган тадбирда туман ХТМФМТТЭ бўлими ходимлари, маҳалла фаоллари, педагоглар, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ҳамда ота-оналар иштирок этди.

— Беш номдаги қўлланмалар ота-оналарга фарзандини мактабга тайёрлашда амалий кўмак беради, — дейди Чилонзор туманидаги 256-«Камалак» номли мактабгача таълим муассасаси мудираси вазифасини бажарувчи Дилнавоз Тўхтаева. — Семинарда мактаб кутубхоначиси ва маҳалла фаолларига китоблардан оқилона фойдаланишни таълимлаш, ота-оналарга улардан ўрин олган билим ва кўникмаларни боласига қай тартибда етказиш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Ота-оналар фарзандларига кўрсатилаётган ғамхўрликдан мамнун бўлишди.

**Азиза АҲМАДЕЕВА,**
**журналист**

*2014-yil — Sog'lom bola yili*

*Munozara uchun mavzu*

# САҲНАДА КИЙИМЛАР БЕЛЛАШАДИМИ, БИЛИМЛАР?

*Айрим ҳолларда боғча болалари шовқин-суронли куй-қўшиққа мос жазавали ҳаракатлар билан «рақс»га тушаётганини кўриб ажабланасиз.*



Боғчада байрам тадбири бошланди. Саҳнага болажонлар чиқиб келишди. Атрофдан гап-сўзлар қулоғимга чалинди: «Анави қизчанинг кўйлаги чиройли экан, бунисининг соч турмагига қаранг! Ўғил болаларга ҳам ажойиб кийимлар чиқиб кетди-я?..».

Шеър айтаётган қизчасини берилиб томоша қилаётган онадан ҳамсуҳбати сўради:

— Қизингизнинг кўйлагини қаердан олдингиз, жудаям чиройли экан?

— Ўтган йили олиб берганим кичкина бўлиб қолибди, янгисини харид қилмадик. Кейинги йили мактабга чиқса, яна олишимизга тўғри келади. Шунинг учун «прокат»дан... Ҳамма қатори қилмасак, боланинг кўнгли ўксиб қолади-да.

Томошабинлар гўё тарбияланувчиларнинг билимдонлиги, истеъдодини намоён этадиган маънавий-маърифий кечада эмас, кичкинтойлар кийимлари намойиш этиладиган мода танловида ўтиргандек эди... Болаларнинг чиқишларидаги тарбиявий, маърифий аҳамиятни инкор этмаган ҳолда, кийиниш масаласига жиддийроқ ёндашилмаса, боғча давридан фарзандларимизни ўзига ортиқча зеб беришга ундаб қўйишимиз мумкин, деган хаёлга бордим. МТМ услубчисининг кейинги ойнинг шу санасида «Боғча гўзали» танлови бўлиши ҳақидаги эълони хаёлимни бўлди. Санани кундалигимга белгилаб қўйдим. Қизиқишим устунлик қилиб шу куни боғчада ҳозир бўлдим.

Саҳнада саломатликка зиён етказадиган синтетик матолардан тикилган ноқулай, «замонавий» либосларда етти нафар қизча пайдо бўлди. Улар катталарга тақлидан пардозланган, сочлари электр дазмолларда жингалак қилинган, кимёвий ялтироқ лак билан қотирилганди. Бир қарашда қизалоқлар гўёки тўй куни безанган келинчакларни эслатарди. Улар шу ноқулай, елкалари очиқ кийимларида пазандалик, сартарошлик каби шартларда синалди. Эътибор қилсам, махсус ороланган қизчалар томошабин бўлиб ўтирган оддий ва қулай кийимдаги гуруҳдошларидан ўзларини устун деб билишарди.

Гўзалликни бундай нотўғри талқин қилишдан нима наф? Боланинг гўзаллиги унинг табиийлиги, беғуборлиги, зийраклигида эмасми? Саволларимни шу гуруҳ тарбиячисига бериб, ундан «Ҳозирги болалар ҳамма нарсани тушунади, шундоғам улар уйда оналарининг кийиниши, ўзини тутишидан андоза олиб бўлишган», деган жавобни олдим. Шу пайт бир донишманднинг «Ҳамма гап тарбиячининг қай даражада тарбияли эканида», деган гапи ёдимга тушди.

Сергели туманидаги 292-мактабгача таълим муассасасида бўлиб, ўттиз йилдан ортиқ тажрибага эга мудира Зироат Маҳмудованинг юқоридаги ҳолат юзасидан фикрлари билан қизиқдим.

— Одатда, ҳар ўқув мавсуми бошида услубчи ва тарбиячилар билан кенгашган ҳолда йил давомида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқамиз. Ҳар бир эрталикни ўтказишда болаларни кенг қамровли ривожлантириш, ўрганганларини мустаҳкамлашни мақсад қилиб белгилаймиз. Масалан, умумхалқ ва миллий байрамларга бағишланган тадбирларни ўша санадан бироз кейинроқ ташкиллаштирамиз. Чунки болалар оилада, кўча-кўйда байрам нишонланганини кўради ва тушунча ҳосил қилади, тарбияланувчиларда байрам шукуҳини ҳис қилиш, ўша вазиятда ўзини тутиш кўникмалари ҳам шаклланади. Ҳар бир тадбирда болаларнинг миллий либосларда иштирок этишини таъминлаймиз. Мутахассислар тавсиясига кўра қизлар ва ўғил болалар учун ўн хилдаги миллий либослар мажмуасини тиктирганмиз. Дабдабали соч турмаги ва пардоз-андозга умуман йўл қўйилмайди. Ҳамма қизларнинг сочи бир хил қилиб ўрилади. Бу ҳар қандай сунъийликдан йироқ ва ота-оналар ҳам байрам учун ортиқча харажат қилмайди.

Ҳақиқатан ҳам, боғча гардеробидаги миллий кийимларни кўриб, кўнглим ёришди. Ҳар бир муассасада шундай тартиб ўрнатилса, аввало, болаларнинг кийиниш борасидаги диди шаклланади, оилада ҳам байрамга тайёргарлик машмашаси бўлмайди.

— Бола организми ҳали етарлича ривожланмаган, турли касалликларга тез чалинишга мойил бўлади. Шунинг учун уларнинг кийим-кечаклари юз фоиз табиий матодан тикилиши зарур, — дейди Сергели туманидаги марказий кўп тармоқли поликлиника шифокори Мусаввар Ҳамидова. — Айрим ота-оналар буни ҳисобга олмай, мос бўлмаган кийимларни танлайди-да, фарзандининг баданига турли тошмалар тошишидан шикоят қилиб келади. Оқибатда бола безовта бўлади, тажанглашади... Синтетик толадан тикилган, чоклари тирнайдиган кийимлар белгиланган стандарт кўрсаткичларига умуман жавоб бермайди.

Демак, болалар учун кийим танлашга ота-оналар алоҳида масъулият билан ёндашиши керак. Хўш, бу борада психологлар нима дейди?

**Махсума Пирназарова, психолог:**

— Катталар кийимига тақлид табиатан ўғил болалардан кўра қизларда кучли намоён бўлади. 2 ёшдан бошлаб қизалоқлар оналари кийимини кийиб кўришга ҳаракат қилади. Тарбияда масъулиятли бўлганлар аксарият ҳолда боласини тергашга, жазолашга шошилади. Аслида эса, оналар бундай вазиятда вазмин туриб, ҳар нарсанинг ўз вақти борлигини босиқлик билан тушунтиришлари лозим. Сабаби, шу даврда болада дид шакллана бошлайди. Ўзига оро бериш, соч ва кийимларини тўғрилаш хусусиятлари боғча давридан шакллангач, мактабда ўзига қараб, озода юришга одатланади. Кийим борасида қизлар онаси ва опаларига ўхшашни истаса, ўғил болалар кийинишда машҳур футболчилар, кино юлдузларига тақлид қилади. Болалар истагидаги мода ҳар хил бўлиши мумкин, лекин ҳар доим ҳам фойдали бўлавермайди. Ота-оналар болаларга танлов борасида бироз эркинлик яратиши билан бирга, чекловни ҳам ўрнида қўллагани маъқул.

Болалар кийимларига қўйиладиган талаблар қандай? Бу ҳақда болалар кийими дизайнери, «Болажонлар-ширинтойлар» мода фестивалининг уч карра ғолиби Мастура Баҳодирова шундай дейди:

— Болалар кийимини лойиҳалашда матонинг юқори даражадаги гигиеник, эстетик сифати муҳим аҳамиятга эга. Кийим, албатта, табиий толали, енгил газламадан бўлиши керак. Айрим ота-оналар кийим танлашда боланинг саломатлигига, ўртоқлари томонидан қандай қабул қилинишига ҳар доим ҳам эътибор қаратишмайди. Болаларга мўлжалланган тантанабоп либосларни бироз одми, ортиқча безаксиз, лекин бир қараганда бола қалбига завқ бағишлайдиган қилиб тайёрлашга интиламан. Уч ёшгача бўлган болалар кийимларида турли маржон, ялтироқ тошлардан фойдаланмайман. Чунки улар бу деталларни узиб, оғзига ёки бурун бўшлиғига солиб, нохуш вазиятлар пайдо қилиши мумкин.

Шу ўринда МТМлардаги тадбирларни ўтказишда учрайдиган бир масалага тўхталиб ўтишни жоиз топдик. Гап шундаки, айрим ҳолларда боғча болалари шовқин-суронли куй-қўшиққа мос жазавали ҳаракатлар билан «рақс»га тушаётганини кўриб ажабланасиз. Аслида, боғчада ҳар бир қўшиқ-рақс пианино ва миллий мусиқа асбоблари жўрлигида ўргатилиши белгиланган. Шунингдек, кичкинтойлар севги-муҳаббат, ҳижрон мавзусидаги қўшиқларни шоу-бизнес вакилларига тақлидона ижро этишади. Ачинарлиси, томошабинлар ҳам болаларнинг кескин ҳаракатли рақсларини олқишлайди. Билишадики, бундай ҳаракатларда ҳеч қандай маъно-мазмун йўқ. Фақатгина, «Ҳали булар бола-ку, шу рақсни ижро этишганига раҳмат», деган таскин ўтади хаёлидан. Ваҳоланки, боланинг маънавий олами унинг онги билан баравар ривожланади. У эшитаётган мусиқа, бажараётган ҳаракатлари ва кийиниши онг остида инъикосини кўрсатмай қолмайди. Шунинг учун боғчаларда инсонни жазавага туширадиган, ҳаддан ортиқ шовқинли мусиқалар асосида рақс саҳналаштириб, намойиш этиш маънавиятимизга зид эканини, ундан кўра миллий образли либослар ва куй-қўшиқлар болаларга ижобий таъсир кўрсатишини тарбиячилар ва мусиқа раҳбарлари тушуниб етиши лозим.

— Ўзига хос мусиқий композициялар ва изчил мусиқий маълумотлар қуршовида улғайган болалар оламга ижодкорона назар билан боқади, — дейди 292-МТМ мусиқа раҳбари Дилором Каримхўжаева. — Педагогик-психологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мактабгача ёшдаги болада мусиқа билан бирга сенсор-ҳиссий ривожланиш юз беради. Яъни бола оҳанглар таъсирида фикрлайди: сокин мусиқага секин тебранади, жўшқин садолар янграса, ҳаракатлари ҳам жонланади. У бир пайтнинг ўзида ташқи таъсирни ҳис қилади, кийимларига мос ҳаракатланади ва унга жавоб реакциясини беради. Бу деган болалардаги йирик моторикалар — оёқ-қўлларнинг сезгирлиги, эшитиш қобилияти ошади. Сезгилари мукаммал шаклланган болада эса интеллект юқори бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, асосий урғуни болаларнинг кийиниши ва ясанишига бергандан кўра кўпчилик олдида билганларини чиройли намойиш қилишига, миллий рақс ва ашулаларни ижро этишига эътибор қаратиш тадбир таъсирчанлигини, маънавий залворини оширади. МТМларда ўтказилиши белгиланган байрам кечаларидан мақсад ҳам дабдаба ёки жимжимадорлик эмас, кичкинтойларнинг ички оламини бойитиш, қалбига маърифат зиёсини сочишдан иборат эмасми?!

**Насиба ЭРХОНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

2014-yil 20-dekabr, № 101 (8750)

# Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ҚОРАҚАЛПОҚ тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2015-2016 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар РЎЙХАТИ

| Т/р | Дарслик номи | Муаллифлар | Тавсия этилган йили | Таъминланиш ҳолати |
|---|---|---|---|---|
| | **1-синф** | | | |
| 1 | Алифбе (A'lipbe) | Қ.Хожамуротова ва б. | 2015 | Бепул |
| 2 | Ўқиш китоби (Oqiw kitabi) | Б.Қутлимуратов ва б. | 2015 | Бепул |
| 3 | Она тили (Ana tili) | Б.Қутлимуратов | 2015 | Бепул |
| 4 | Ёзув дафтари | А.Даулатов ва б. | 2015 | Бепул |
| 5 | Математика | М.Аҳмедов ва б. | 2015 | Бепул |
| 6 | Математика дафтари | М.Жумаев ва б. | 2015 | Бепул |
| 7 | Атрофимиздаги олам | Муаллифлар гуруҳи | 2015 | Бепул |
| 8 | Тасвирий санъат | Р.Ҳасанов | 2015 | Бепул |
| 9 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2015 | Бепул |
| 10 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2015 | Бепул |
| 11 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2015 | Бепул |
| 12 | Инглиз тили "Kids' English-1" | М.Ирисқулов ва б. | 2015 | бепул |
| 13 | Немис тили "Deutsch macht spab" | М.Дадаходжаева ва б. | 2015 | Бепул |
| 14 | Саломатлик дарслари | Д.Шарипова ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 15 | Меҳнат таълими | И.Маннопова ва б. | 2015 | Бепул |
| | **2-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2014 | Ижара |
| 2 | Она тили (Ana tili) | Б.Қутлимуратов ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Ўқиш китоби (Oqiw kitabi) | Б. Қутлимуратов | 2014 | Ижара |
| 4 | Русский язык | З.Абдураимова | 2014 | Ижара |
| 5 | Математика | Н.Абдураҳмонова ва б. | 2014 | Ижара |
| 6 | Атрофимиздаги олам | П.Ғуломов ва б. | 2014 | Ижара |
| 7 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2014 | Ижара |
| 8 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Тасвирий санъат | М.Исакова ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2014 | Ижара |
| 11 | Инглиз тили "Kids' English-2" | М.Ирисқулов ва б. | 2014 | Бепул |
| 12 | Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-2" | М.Ирисқулов ва б. | 2015 | Бепул |
| 13 | Немис тили "Deutsch macht spab-2" | М.Дадаходжаева ва б. | 2014 | Бепул |
| 14 | Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft - 2" | М.Дадаходжаева ва б. | 2015 | Бепул |
| 15 | Саломатлик дарслари | Д.Шарипова ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| | **3-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2014 | Ижара |
| 2 | Она тили (Ana tili) | Е.Давенов ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Ўқиш китоби (Oqiw kitabi) | Б.Калимбетов ва б. | 2014 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Н.Сергеева ва б. | 2014 | Ижара |
| 5 | Математика | С. Бурҳонов ва б. | 2014 | Ижара |
| 6 | Табиатшунослик | А.Баҳромов | 2014 | Ижара |
| 7 | Одобнома | М. Холиқова ва б. | 2014 | Ижара |
| 8 | Мусиқа | Ҳ.Нурматов ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Тасвирий санъат | М.Исакова ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2014 | Ижара |
| 11 | Инглиз тили "Kids' English-3" | М.Ирисқулов ва б. | 2015 | Бепул |
| 12 | Инглиз тили машқ дафтари «Activities book - 3» | М.Ирисқулов ва б. | 2015 | Бепул |
| 13 | Немис тили "Deutsch macht spab-3" | М.Дадаходжаева ва б. | 2015 | Бепул |
| 14 | Немис тили машқ дафтари «Arbeitsheft - 3» | М.Дадаходжаева ва б. | 2015 | Бепул |
| 15 | Француз тили "Hirondelle-3" | С.Раҳмонов ва б. | 2015 | Бепул |
| 16 | Француз тили машқ дафтари | | | |
| 17 | «Cahier d' exercices — 3» | С.Раҳмонов ва б. | 2015 | Бепул |
| 18 | Саломатлик дарслари | Д.Шарипова ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| | **4-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2015 | Ижара |
| 2 | Она тили (Ana tili) | Е.Давенов ва б. | 2015 | Ижара |
| 3 | Ўқиш китоби (Oqiw kitabi) | Е.Бердимуратов ва б. | 2015 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Муаллифлар гуруҳи | 2015 | Ижара |
| 5 | Математика | Н.Бикбаева ва б. | 2015 | Ижара |
| 6 | Табиатшунослик | А.Баҳромов | 2015 | Ижара |
| 7 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2015 | Ижара |
| 8 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2015 | Ижара |
| 9 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 10 | Меҳнат таълими | И.Маннопова ва б. | 2015 | Ижара |
| 11 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 12 | Саломатлик дарслари | Д.Шарипова ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| | **5-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев ва б. | 2015 | Ижара |
| 2 | Она тили (Qaraqalpaq tili) | Е.Бердимуратов ва б. | 2015 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (A'debiyat) | Ж.Пирниязов ва б. | 2015 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Муаллифлар гуруҳи | 2015 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Жўраев ва б. | 2015 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Deutsch» | М.Қиёмова ва б. | 2015 | Бепул |
| 7 | Француз тили "Bonjour la France" | А.Носиров ва б. | 2015 | Бепул |
| 8 | Тарихдан ҳикоялар | У.Жўраев ва б. | 2015 | Ижара |
| 9 | Қорақалпоғистон тарихи | С.Камалов ва б. | 2013 | Очиқ савдо |
| 10 | Математика | Б.Ҳайдаров | 2015 | Ижара |
| 11 | Информатика | Д.Камолиддинова | 2012 | Ижара |
| 12 | Ботаника | Ў.Пратов ва б. | 2015 | Ижара |
| 13 | Табиий география бошланғич курси | П.Ғуломов ва б. | 2015 | Ижара |
| 14 | Ватан туйғуси | Х.Султонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 15 | Мусиқа | А.Мансуров ва б. | 2015 | Ижара |
| 16 | Меҳнат таълими | Ш.Шарипов ва б. | 2015 | Ижара |
| 17 | Тасвирий санъат | Т.Қўзиев ва б. | 2015 | Ижара |
| 18 | Жисмоний тарбия (5-6) | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2015 | Кутубхона фонди |
| 19 | Қорақалпоқ тили (таълим бошқа тилларда) | А.Даулетов ва б. | 2004,2008 | Очиқ савдо |
| | **6-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Ҳ.Муҳиддинова | 2013 | Ижара |
| 2 | Она тили (Qaraqalpaq tili) | М.Даулетов ва б. | 2013 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (A'debiyat) | З.Айжанова ва б. | 2013 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Г.Гасилова | 2013 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Жўраев ва б. | 2013 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суханова ва б. | 2013 | Бепул |
| 7 | Француз тили | З.Абдушукурова ва б. | 2013 | Бепул |
| 8 | Тарих | А.Саъдуллаев ва б. | 2013 | Ижара |
| 9 | Математика | М.Мирзааҳмедов ва б. | 2013 | Ижара |
| 10 | Физика | Н.Турдиев | 2013 | Ижара |
| 11 | Ботаника | Ў.Пратов ва б. | 2013 | Ижара |
| 12 | География | А.Соатов ва б. | 2013 | Ижара |
| 13 | Қорақалпоғистон тарихи | А.Қошчжанов ва б. | 2013 | Очиқ савдо |
| 14 | Ватан туйғуси | Х.Султонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 15 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2013 | Ижара |
| 16 | Мусиқа | С.Бегматов ва б. | 2008 | Кутубхона фонди |
| 17 | Жисмоний тарбия (5-6) | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2015 | Кутубхона фонди |
| 18 | Қорақалпоқ тили (таълим бошқа тилларда) | А.Даулетов ва б. | 2004 | Очиқ савдо |
| | **7-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Ҳ.Муҳиддинова | 2013 | Ижара |
| 2 | Она тили (Qaraqalpaq tili) | А.Даулетов ва б. | 2013 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (A'debiyat) | К.Мамбетов ва б. | 2013 | Ижара |
| 4 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2013 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Цой ва б. | 2013 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суханова ва б. | 2013 | Бепул |
| 7 | Француз тили | В.Бухин ва б. | 2013 | Бепул |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | А.Муҳаммаджонов | 2013 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | Т.Салимов ва б. | 2013 | Ижара |
| 10 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2013 | Ижара |
| 11 | Геометрия | А.Азамов ва б. | 2013 | Ижара |
| 12 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2013 | Ижара |
| 13 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2013 | Ижара |
| 14 | Зоология | О.Мавлонов | 2013 | Ижара |
| 15 | География | П.Ғуломов ва б. | 2013 | Ижара |
| 16 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | М.Қаршибоев ва б. | 2015 | Ижара |
| 17 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2013 | Ижара |
| 18 | Қорақалпоғистон табиий географияси | Қ.Жаббарберганов ва б. | 2005 | Очиқ савдо |
| 19 | Қорақалпоғистон тарихи | А.Қошчжанов | 2013 | Очиқ савдо |
| 20 | Мусиқа | О.Иброҳимов ва б. | 2008 | Кутубхона фонди |
| 21 | Жисмоний тарбия (7-8) | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 22 | Қорақалпоқ тили (таълим бошқа тилларда) | А.Даулетов ва б. | 2004, 2008 | Очиқ савдо |
| 23 | Тасвирий санъат | А. Сулаймонов ва б. | 2006 | Кутубхона фонди |
| | **8-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | Ҳ.Муҳиддинова. | 2014 | Ижара |
| 2 | Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili) | М.Даулетов ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (A'debiyat) | К.Мамбетов ва б. | 2014 | Ижара |
| 4 | Русский язык | М.Рожнова ва б. | 2014 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили «Fly High English» | Л.Жўраев ва б. | 2014 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суханова ва б. | 2014 | Бепул |
| 7 | Француз тили «Le nouveau voyage en France» | З. Абдушукурова ва б. | 2014 | Бепул |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | Қ.Усмонов ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | У.Жўраев ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари | О.Каримова ва б. | 2014 | Ижара |
| 11 | Иқтисодий билим асослари | Э.Сариқов ва б. | 2014 | Ижара |
| 12 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2014 | Ижара |
| 13 | Геометрия | А.Раҳимқориев | 2014 | Ижара |
| 14 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2015 | Ижара |
| 15 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 16 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 17 | Одам ва унинг саломатлиги | Б.Аминов ва б. | 2014 | Ижара |
| 18 | География | П.Мусаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 19 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | Р.Қўчқор ва б. | 2015 | Ижара |
| 20 | Чизмачилик | И.Раҳмонов | 2014 | Ижара |
| 21 | Қорақалпоғистон табиий географияси | Е.Умаров ва б. | 2004, 2008 | Очиқ савдо |
| 22 | Қорақалпоғистон тарихи | М.Тлеумуратов | 2013 | Очиқ савдо |
| 23 | Жисмоний тарбия (7-8) | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 24 | Қорақалпоқ тили (таълим бошқа тилларда) | А.Даулетов ва б. | 2004, 2008 | Очиқ савдо |
| | **9-синф** | | | |
| 1 | Ўзбек тили | А.Рафиев | 2014 | Ижара |
| 2 | Қорақалпоқ тили (Qaraqalpaq tili) | М.Даулетов ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Адабиёт (A'debiyat) | Т.Мамбетниязов ва б. | 2014 | Ижара |
| 4 | Русский язык | Р.Усмонова ва б. | 2014 | Ижара |
| 5 | Инглиз тили «Fly High English» | Л.Жўраев ва б. | 2014 | Бепул |
| 6 | Немис тили «Deutsch» | М.Дадаходжаева ва б. | 2014 | Бепул |
| 7 | Француз тили «D'un Etat a l'autre» | С.Раҳмонов ва б. | 2014 | Бепул |
| 8 | Ўзбекистон тарихи | С.Тиллаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Жаҳон тарихи | М.Лафасов ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Қорақалпоғистон тарихи | С.Камалов ва б. | 2014 | Очиқ савдо |
| 11 | Конституциявий ҳуқуқ асослари | Г.Тансиқбаева ва б. | 2014 | Ижара |
| 12 | Иқтисодий билим асослари | Э.Сариқов ва б. | 2014 | Ижара |
| 13 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2014 | Ижара |
| 14 | Геометрия | Б.Ҳайдаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 15 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2015 | Ижара |
| 16 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 17 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 18 | Биология. Цитология ва генетика асослари | А.Зикиряев ва б. | 2014 | Ижара |
| 19 | Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси | А. Қаюмов ва б. | 2014 | Ижара |
| 20 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари | О.Мусурмонова ва б. | 2015 | Ижара |
| 21 | Чизмачилик | И.Раҳмонов | 2014 | Ижара |
| 22 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонхўжаев ва б. | 2005 | Кутубхона фонди |
| 23 | Қорақалпоқ тили (таълим бошқа тилларда) | Г.Мамбетназарова | 2002, 2008 | Очиқ савдо |

2014-yil 20-dekabr, № 101 (8750)

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қуллаб-қувватлаш Жамоат фондининг гранти асосида амалга оширилаётган лойиҳалар мамлакатимизни ижтимоий ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.**

Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши кўмагида «Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари» ҳамда «Сурхондарё вилояти «Экология-саломатлик» ҳудудий газетасининг экологик маданият ва соғлом турмуш тарзи тарғиботи соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашиш» лойиҳалари амалиётга самарали татбиқ этилди.

Лойиҳа доирасида эколог олим ва журналистлар иштирокида Тожикистон алюмин заводининг чегарадош туманлар аҳолисига етказаётган салбий таъсирларини аниқлаш мақсадида рейд уюштирилди. Денов тиббиёт коллежи, вилоят марказий ҳамда кўп тармоқли шифохоналари, Сариосиё туманидаги «Узгидромет» станцияси, «Пахтакор» қишлоқ врачлик пункти, Жанубий Сурхон сув омбори ходимлари учун

## Tashabbus

ташкил этилган давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар эса атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик тарбия самарадорлигини таъминлашда ОАВнинг фаолиятини кучайтириш, ҳашар ўтказиш ташаббусини воҳа миқёсида тарғиб қилиш, табиатни асрабавайлашда ёшлар ролини оширишга қаратилди. «Экология кунлари байрами», «Анъаналарни тикла — дарахт эк!» акциялари барчага манзур бўлди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг экология комиссияси, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг табиий фанлар кафедраси, Ўзбекистон Миллий университети, "Адолат" СДП, "Табиат-Экспресс" масъулияти чекланган жамияти сингари давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда экологияга оид адабиёт ва рангли плакатлар чоп этилди. Орол муаммосига бағишланган "Номи харитага ёзилмаган саҳро" ҳужжатли фильми, "Электр энергиясини тежа!" видеороликлари тайёрланиб, кенг миқёсда оммалаштирилмоқда.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,**
**«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи**




# МУҚОВАСИЗ КИТОБ

***Бир куни мактабдан қайтаётиб, йўл четида ётган китобга кўзим тушди. Дарҳол бориб, қўлга олдим, у ёқ-бу ёғини артиб тозаладим. Китоб муқовасиз экан: на муаллифи бор, на асар номи. Уйга бориб бир-бир варақлаб кўрдим.***

## Taassuf

*Асар ниҳоятда қизиқарли, қаҳрамонларининг ҳаёти эса ажабтовур саргузаштларга бой. Бир кечада ўқиб тугатиб қўйганимни сезмай қолибман.*

*Бир куни кутубхонадан китоб олдим. Менга жуда таниш, қаҳрамонларини ҳаётда кўргандекман гўё. Бу кўчадан топиб олган ўша китоб эканини англадим. Яна мутолаага шўнғидим... Китобни хор қилган одам ўзини нималардан бебахра этганини билармикан?!*

*Оқила бувимнинг «Китоб ўқиган киши эл аро ҳурмат топади. Китоб инсонни фақат эзгулик ва комиллик сари етаклайди» деган гапи ҳаётий ҳақиқат эканига амин бўлдим.*

**Жамолиддин ПОЛВОНОВ,**
**Бешариқ туманидаги 30-мактаб ўқувчиси**

# КИМ АБЖИР?

Бувимнинг хотирлашича, ўтмишда ўзбек халқининг тўй-базмлари, маърака-йиғинлари турли расм-русумларга бой бўлган. Ўғил бола туғилган хонадонда суннат тўйига алоҳида тайёргарлик кўрилган. Тўйни боланинг юриб

## Qadriyat

кетиш вақтига қадар ўтказиш анъанаси бор эди. Тўй қизиқарли ўйин ва томошаларга бой ўтишини таъкидлаб, бувим ҳикоя қилади:

— Тўй ўтаётган ҳовлининг бир бурчагига узун хода ўрнатиларди. Нон, пул, тўн ва бошқа нарсалар қийиққа тугиб, устуннинг учига илиб қўйилган. 7-8 метр узунликдаги ходага сирпанчиқ бўлиши учун елим суртилган. Тепага тирмашиб чиқиб, совринни қўлга киритиш учун талабгорлар кўп бўлган. Бироқ ходанинг учига етиб бориш анча мушкул эди. Фақат абжир, устамон кишигина бунинг уддасидан чиққан ва совринни қўлга киритган. Тўйга йиғилганларни завқлантирган бу томоша «Ким абжир?» ўйини деб аталган.

**Ойшабону РЎЗИБОЕВА,**
**Булоқбоши туманидаги 5-умумтаълим мактаби ўқувчиси**

# ТАБИАТ ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК

***Ўтган йили хизмат сафари билан Нукус шаҳрида бўлдим. Шаҳар марказидаги бунёдкорлик ишлари, Хўжайли, Беруний туманларидаги қадимий обидаларни томоша қилдим. Кўчаларни айланар эканман, йўл бўйида экилган дов-дарахтлар, гулу майсалар эътиборимни тортди. Ернинг шўрлигию сувнинг етишмаслиги ўсимликларнинг кўринишидан сезилиб турарди.***

Нукус давлат педагогика институтига келганимда ҳам шунга ўхшаш манзарага кўзим тушди. Олий таълим муассасасида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилганига қарамай, институт ҳовлисини ҳам экология муаммоси четлаб ўтмаганди. Институт раҳбарияти билан ҳудудни янада кўкаламзорлаштириш, иқлим шароитига мос янги кўчатлар ўтказиш ҳақида анча суҳбатлашдик. Уларга ўзим гувоҳи бўлган Рапқон, Боғишамол, Нурсух, Чимёндаги деҳқон ва боғбонларнинг қирда, тошлоқ ерда экин ва мевали дарахтларга маҳаллий ўғит бериб, томчилатиб суғориш усули ёрдамида ҳар йили мўл ҳосил олиши ҳақида гапириб бердим.

Сафардан қайтгач, Нукусга шу замин табиатига мос 5 килограмм бодом жўнатдим. Баҳорда мен юборган бодом уруғлари униб чиққанини маълум қилишди. Шундан сўнг яна уч мингта калифорния тераги, мингта қоратол, юзта шумтол кўчатини, 5 килограмм картошкагул уруғини жўнатдим. Институт ўқитувчиси Олимжон Ешимбетовнинг айтишича, шумтол ва гуллар бехато, терак ва тол қаламчаларининг эса икки мингтаси кўкарибди. «Сув муаммоси нима бўлди?», десам, «Ерга труба қоқтириб, 32 метрдан сув чиқардик», дейди.

Халқимизда излаган имкон топар, деган гап бор. Юртимизда гарчи сув чиқмайдиган ерда яшаса-да, ҳовлисини кўм-кўк боғ-роғга айлантирган инсонлар кўплаб топилади. Бироқ катта канал ёқасида яшаб, уйи олдидаги дарахтларнинг сувга ташналигидан қуриётганини кўра-била туриб, бу манзарага лоқайд кишилар ҳам йўқ эмас.

Табиатни асраб-авайлаш, экологик муҳитни яхшилашга нафақат Оролбўйи минтақасида, балки ҳар биримизнинг маҳалла-кўй, оиламизда ҳам катта эътибор қаратишимиз даркор. Баъзан оддийгина хазон ёқиш ёки маиший чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаш орқали ҳам табиатга зарар келтираётганимизни ўйлаб кўрмаймиз. Мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, аҳоли орасида экологик тарғибот ишларини кучайтириш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, экологик муаммо — инсон саломатлигига бевосита таъсир этадиган муаммодир.

**Рашидхон ШУКУРОВ,**
**Кўқон давлат педагогика институти доценти,**
**филология фанлари номзоди**




# ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

**"Китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир". Буюк соҳибқирон Амир Темур китобга шундай таъриф берган. Чиндан ҳам, ҳаётни бебаҳо бойлик, ақл-заковатнинг улкан мўъжизаси бўлмиш китобларсиз тасаввур қилиш мушкул.**

Хоразм вилоятида ташкил этилган тадбирда болаларга китоб совға қилинди. Ушбу туҳфани кўксига босган жажжи ўғил-қизларнинг юз-кўзида қувонч, фахр-ифтихор туйғулари порлади. Урганч шаҳри, Шовот, Қўшкўпир туманларидаги китоб дўконларидан ота-оналар фарзандларига китоб харид қилиб болажонларга қувонч ҳадя қиладилар. Бу ердан хоҳлаган асарингизни топасиз. Уйдан туриб буюртма бериш имконияти ҳам мавжуд.

## Ta'kid

Онасининг ортидан эргашиб кетаётган болакай китоб дўконига етганда тўхтаб қолди. Аёл буни кўриб, фарзандини койий бошлади.

— Нега қотиб қолдинг, тезроқ юрсанг-чи?

— Кеча Рустамнинг дадаси "Сариқ девни миниб" китобини совға қилибди. Менга ҳам оберинг.

— Китоб олгунча, эгнингга кийим олгин.

— Устозимиз таътилда бадиий асар ўқиб келинглар, деган...

— Бошимни қотирмасанг-чи!

Афсуски, бундай воқеалар ҳам ҳаётда учраб туради. Фарзандларимиз қалбида болалигидан мол-дунёга ҳавас уйғотсак, улардан келажакда нима кутиш мумкин? Ўғил-қизларимизга қимматбаҳо буюмлар олиб берамиз-у, ўша харидимизнинг ўндан бир қийматидаги китобни сотиб олишга пулимизни қизғанамиз.

Болангизга китоб совға қилинг, азизлар! Фарзандингизда мутолаага меҳр ана шу эзгу тортиқдан бошлансин.

**Мафтуна РЎЗИМАТОВА**

# ҚАНДАЙ ЎРГАТИШНИ ҲАМ БИЛИНГ

***Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга катта эътибор берилаяпти. Айтиш жоизки, такомиллашув фақатгина ўқув дастурлари, дарслик ва жиҳозларни янгилашдан иборат эмас. Балки педагоглар фаолиятини ҳам ривожлантиришни назарда тутади. Яъни, дарсда ўқитувчи ички ва ташқи оламининг қандай намоён бўлиши машғулот сифатига бевосита таъсир кўрсатади.***

Аввало, дарсни кўтаринки кайфиятда бошлаш ва олиб бориш муҳим. Педагог табассум орқали ўқувчилар қалбига кириб боради. У ўқувчиларга ижобий ҳис-ҳаяжонини кўрсата билиши, болаларни ҳам шунга даъват этиши зарур. Айримлар: "Мен жиддий қиёфада туриб ҳам дарсларимни яхши ўтаяпман", дейиши мумкин. Лекин болалар устозининг қалбидаги "чўғ"ни ҳис этмаса, кўтаринки кайфиятини сезмаса, дарснинг таъсир кучи камаяди.

Ўқитувчининг кийиниш маданияти дарс сифатини оширувчи ташқи таъсирлардандир. Бола муаллимининг кийимига қараб, унга баҳо беради. Устоз доимо портфель тутиши, қора шим, қора пойабзал, оқ кўйлак кийиши ва бўйинбоғ тақиши, аёл муаллималар оқ кофта ва қора юбкада юриши лозим. Шу орқали дарс самарадорлигини 50 фоизгача кўтариш мумкин. Буни тадқиқотчилар ҳам таъкидлашади.

Ўқитувчи янги мавзу баёни, ўтилган мавзуларни сўраш ва мустаҳкамлашда қўл ва юз ишораларига, овоз тонига эътибор қаратса, самарадорлик янада ошади. Ҳаракатлар ўзаро мутаносиб бўлиши керак. Масалан, овоз баландлаган сари қўл ҳаракатлари ҳам юқорига кўтарилади. Ўқувчилар кўзига қараб гапириш, аудиторияни ҳис этиш имконини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчининг қандай билимларни ўргатишидан кўра уларни қандай ўргатиши болалар эътиборини кўпроқ жалб этади.

**Сардор ҚОДИРҚУЛОВ,**
**Ғаллаорол туманидаги 44-умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси**

**Саҳифани**
**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ тайёрлади.**

## КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**2015 йилда реконструкция, қурилиши ва капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича**

## ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Самарқанд шаҳридаги 61-сон махсус мактаб-интернатни реконструкция қилиш | 1 240 994 929 сўм | 1 489 193 915 сўм | 9 ой |
| 2. | Нарпай туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (180 ўринли даволаш бўлими бинолари) | 3 562 812 500 сўм | 4 275 375 000 сўм | 10 ой |
| 3. | Самарқанд шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказини реконструкция қилиш (100 ўринли даволаш бўлими биноси / 110 қатновга мўлжалланган поликлиника биноси) | 3 571 291 667 сўм | 4 285 550 000 сўм | 10 ой |
| 4. | Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (250 қатновга мўлжалланган поликлиника биноси қурилиши,30 ўринли ШТЁБ ва 50 ўринли жарроҳлик бўлими биносини капитал таъмирлаш) | 4 066 751 667 сўм | 4 880 102 000 сўм | 10 ой |
| 5. | Ургут туман тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (70 ўринли туғруқхона, 30 ўринли ШТЁБ, 120 ўринли жарроҳлик ва 60 ўринли болалар бўлими биноси) | 4 467 979 167 сўм | 5 361 575 000 сўм | 10 ой |
| 6. | Самарқанд вилоят руҳий касалликлар шифохонасини капитал таъмирлаш (200 ўринли даволаш бўлими биноси) | 1 619 376 667 сўм | 1 943 252 000 сўм | 10 ой |
| | **ЛОТ 17-2:** | | | |
| Лот-1 | Иштихон туманидаги 315 ўқувчи ўринли 14-сон мактаб қурилиши | 2 116 400 399 сўм | 2 539 680 479 сўм | 9 ой |
| Лот-2 | Иштихон туманидаги 315 ўқувчи ўринли 10-сон мактаб қурилиши | 2 080 076 796 сўм | 2 496 092 155 сўм | 9 ой |
| | **ЛОТ 18-2:** | | | |
| Лот-1 | Қўшработ туманидаги 315 ўқувчи ўринли 16-сон мактаб қурилиши | 2 081 786 054 сўм | 2 498 143 265 сўм | 9 ой |
| Лот-2 | Қўшработ туманидаги 315 ўқувчи ўринли 1-сон мактаб қурилиши | 2 079 985 923 сўм | 2 495 983 108 сўм | 9 ой |
| | **ЛОТ 19-2:** | | | |
| Лот-1 | Оқдарё туманидаги 216 ўқувчи ўринли 41-сон мактаб қурилиши | 1 743 129 198 сўм | 2 091 755 037 сўм | 9 ой |
| Лот-2 | Пастдарғом туманидаги 315 ўқувчи ўринли 81-сон мактаб қурилиши | 2 036 331 722 сўм | 2 443 598 066 сўм | 9 ой |
| | **ЛОТ 20-2:** | | | |
| Лот-1 | Самарқанд шаҳридаги 12сон оилавий поликлиника биносини реконструкция қилиш (150 қатновга мўлжалланган поликлиника биноси қурилиши) | 1 638 127 500 сўм | 1 965 753 000 сўм | 9 ой |
| Лот-2 | Самарқанд шаҳридаги марказий кўп тармоқли поликлиника биносини реконструкция қилиш (250 қатновга мўлжалланган) | 804 737 500 сўм | 965 685 000 сўм | 9 ой |

**Қурилиш ишлари бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Савдо ташкилотчиси*** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

***Буюртмачи***: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.
***Манзили***: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (0366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат давлат реестрига кирган ташкилотлар ўртасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Самарқанд вилоят руҳий касалликлар шифохонасини капитал таъмирлаш (200 ўринли даволаш бўлими биноси) объекти бўйича пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

***Самарқанд шаҳри, Кўк-сарой майдони, 2Д-корпус, 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.***

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм.**

Таклифлар(оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси биносида соат 10-00да ўтказилади.

**ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.**

## КОРХОНА ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# 9-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

## ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| т/р | Объект номи | Бошланғич нархи ҚҚСсиз сўм | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| Лот-1/1 | Мингбулоқ туманидаги хўжаликлараро "Қорашаҳар" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (30,0 км). | 190 120 047 | 270 кун |
| Лот-1/2 | Косонсой туманидаги хўжаликлараро "Косонсой" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (35,0 км). | 193 200 437 | 270 кун |
| Лот-1/3 | Наманган туманидаги хўжаликлараро "Пошшолик" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (99,681км). | 545 753 482 | 330 кун |
| Лот-2/1 | Норин туманидаги хўжаликлараро "Қорадарё" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (44,246 км). | 285 693 404 | 186 кун |
| Лот-2/2 | Норин туманидаги хўжаликлараро "Қолгандарё" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (34,144 км). | 231 089 642 | 237 кун |
| Лот-2/3 | Поп туманидаги хўжаликлараро "Қорақалпоқ" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (40,0 км). | 256 634 328 | 279 кун |
| Лот-2/4 | Поп туманидаги хўжаликлараро "Сирдарё" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (30,7 км). | 254 813 670 | 270 кун |
| Лот-3/1 | Поп туманидаги хўжаликлараро "Аччиққўл П-2" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (46,161 км). | 290 130 160 | 186 кун |
| Лот-3/2 | Тўрақўрғон туманидаги хўжаликлараро "Наҳор" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (26,0 км). | 164 579 359 | 270 кун |
| Лот-3/3 | Уйчи туманидаги хўжаликлараро "Чортоқсой" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (65,272 км). | 388 174 582 | 237 кун |
| Лот-4/1 | Чортоқ туманидаги хўжаликлараро "Чортоқсой" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (20,0 км). | 130 460 757 | 270 кун |
| Лот-4/2 | Чуст туманидаги хўжаликлараро "Баймоқ" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (45,0 км). | 219 881 204 | 270 кун |
| Лот-5/1 | Янгиқўрғон туманидаги хўжаликлараро "Намангансой" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (40,0 км). | 244 014 306 | 270 кун |
| Лот-5/2 | Наманган вилояти туманларида мелиоратив тик қудуқларни таъмирлаш ва тиклаш (24 дона). | 576 666 891 | 180 кун |
| 1 | Мингбулоқ туманидаги хўжаликлараро "Аччиққўл" зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш (194,950 км). | 1 140 760 967 | 330 кун |

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 33-уйда жойлашган 9-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси. Тел: (0369) 227-06-44, 227-19-98.

**Лойиҳани молиялаштириш:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

*Диққат! Танлов савдолари, таъмирлаш ва тиклаш объектларида қатнашишга кичик бизнес субъектлари учун камида 35% квота белгиланган.*

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотларнинг иштирок этишига рухсат этилади, танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базаси, ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, мутахассисларнинг мавжудлиги, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Наманган вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларн и шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, тел.факс (0-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.

**Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 100 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар(оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.

**ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.**

# МАРСДА ҲАЁТ АЛОМАТЛАРИ АНИҚЛАНДИ




***"Кьюриосити" марсоходи қизил сайёрада бир вақтлар ҳаёт мавжуд бўлганлигига ишора қилувчи айрим аломатларни қайд этди. Маълум бўлишича, сайёра сиртида углерод ва водород газидан иборат ёнувчан модданинг бир лаҳзалик чақнаши кузатилган. Мазкур ҳодиса Гейл вулқони кратери яқинида кузатилди.***



"Space" манбасида ёзилишича, бу пайтда Марсда метаннинг ўртача даражаси 10 маротабага ортиб, сўнг атрофга ёйилиб кетган. Мазкур ғайритабиий ҳодисанинг сабаблари олимлар томонидан ҳалигача ўрганилмоқда. Мутахассислар қизил сайёрада метан газини қидиришга астойдил бел боғлаб, унинг манбаси айнан қаерда эканлигини аниқлаш устида бош қотирмоқда. Бир гуруҳ олимлар ушбу ҳодиса Марс сайёрасида кечган геологик жараён билан боғлиқ деган фикрни илгари суришса, баъзилари метан газини у ердаги микроорганизмлар ишлаб чиқарганига умид билдиришмоқда. Агарда иккинчи гуруҳ олимларнинг фикри ўз исботини топса, демак, қизил сайёрада ҳаёт аломатлари мавжуд. Бироқ NASA мутахассислари хулоса қилишга шошилмасдан аввало метан манбасини топиб, сўнгра зарур хулосага келиш лозимлигини таъкидлашмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, "Science" журналида «Кьюриосити» марс атмосферасида метан миқдори тахминан миллиарднинг 0,7 қисмини ташкил этгани баён этилган. Бундан аввал эса сайёра атмосферасида метан аниқланмаган эди.

# "JPEG"НИНГ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ЯНГИ ТАСВИР ФОРМАТИ

***"JPEG" тасвир формати узоқ йиллардан бери фойдаланувчиларга сифатли хизмат қилиб келмоқда. Бу йиллар оралиғида бир қатор компаниялар унга рақобатбардош дастур ишлаб чиқишга ҳаракат қилишган. Француз дастурчилари ҳам янги график формат яратиш борасида ўз имкониятларини синаб, "BPG" форматини оммага намойиш этишди.***



"Gizmag" интернет нашрида эълон қилинган маълумотга кўра, "BPG" ("Better Portable Graphics" —"янада ихчам графиклар") форматининг маълумотларни максимал даражада ихчамлаштириш борасида оммабоп "JPEG"дан бир қатор афзаллик томонлари мавжуд. "JPEG" форматидан фарқли равишда "BPG" форматидаги энг кичик ўлчамли тасвир ҳам ўз сифатини сақлаб қолади, бу эса фойдаланувчига ахборот билан ишлашда қулайлик туғдиради.

Бундан ташқари, мазкур янги форматдаги яна бир янгилик кўпчилик дастурчиларнинг эътиборини тортмоқда. Яъни, "PNG" ёки "GIF" форматида бўлгани каби "BPG" тасвирларда ҳам шаффоф кўриниш мавжуд. Бу эса веб-сайтларда ҳам ундан бемалол фойдаланиш имконини беради.

Дастурчилар берган маълумотга кўра, "BPG" формати видеолар ҳажмини ихчамлаштирадиган замонавий технология ҳисобланган "HEVC" асосида ишлаб чиқилган. Айни вақтда ишлаб чиқувчилар веб-сайтида "BPG" форматидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Бироқ бунинг учун махсус қолланган тасвирларни ўқишга ёрдам берувчи "Javascript" кодни ишга тушириш талаб этилади. Истеъмолга эндигина кириб келган янги форматнинг машҳур "JPEG" ўрнини эгаллаши ҳозирча номаълум. Бироқ дастур яратувчиларининг формат имкониятларини янада кенгайтириш борасидаги фикрлари бунга умид уйғотмоқда.

**О.ҚУЛМУРОДОВА, Ҳ.УСМОНОВА тайёрлади.**

---

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси тарих факультетининг «Археология ва этнология» кафедраси катта ўқитувчиси Шухрат Шоназаровга отаси

**БЎРИ ота**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

---

Яшнобод туман ХТМФМТТЭ бўлими раҳбарияти ва касаба уюшмаси бўлим мутахассиси Ҳасан Жалоловга акаси

**Баҳром ЖАЛОЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

---

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси Геология ва география факультети амалиёт бўйича декан муовини Асқар Рўзметовга волидаи муҳтарамаси

**ТУРСУНОЙ ая**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

---

*реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама*

# «Trade Realtor Group» МЧЖ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни takoмиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда қарор ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилояти Бағдод тумани ҳокимининг 2014 йил 22 июлдаги 48-ф-сонли фармойишига асосан қуйидаги бинолар қурилиши учун танланган ер майдонлари очиқ танлов савдоларига қўйилишини**

# ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. «Юмшоқ мебеллар ишлаб чиқариш биноси» қуриш учун Бағдод тумани, Самарқанд ҚФЙ, Самарқанд қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони — 600,0 м²; қурилиш ер ости майдони — 600,0 м² бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — ***31644,00 сўм.***

2. «Савдо дўкони» қуриш учун Бағдод тумани, Чуваланчи ҚФЙ, Қаҳат-қўрғонча қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони — 500,0 м²; қурилиш ер ости майдони — 150,0 м² бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — ***26370,00 сўм.***

3. «Савдо дўкони ва пайнет шохобчаси» қуриш учун Бағдод тумани, Чуваланчи ҚФЙ, 1-Хитой қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони — 45,0 м²; қурилиш ер ости майдони — 45,0 м² бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — ***2373,30 сўм.***

4. «Савдо дўкони ва сартарошхона биноси» қуриш учун Бағдод тумани, Чуваланчи ҚФЙ, 1-Хитой қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони — 228,0 м²; қурилиш ер ости майдони — 228,0 м² бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — ***12024,72 сўм.***

5. «Савдо дўкони» қуриш учун Бағдод тумани, Ултарма ҚФЙ, Мирзаҳамдам қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони — 40,0 м²; қурилиш ер ости майдони — 40,0 м² бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — ***2109,30 сўм.***

6. «Қурилиш моллари дўкони» қуриш учун Бағдод тумани, Матқулобод ҚФЙ, Чек Хитой қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони — 200,0 м²; қурилиш ер ости майдони — 200,0 м² бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — ***10548,00 сўм.***

7. «Автомобилларни жузъий таъмирлаш устахонаси» қуриш учун Бағдод тумани, Қароқчитол ҚФЙ, Чигит қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони — 300,0 м²; қурилиш ер ости майдони — 100,0 м² бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — ***15822,00 сўм.***

8. «Савдо дўкони ва автомобилларни таъмирлаш устахонаси» қуриш учун Бағдод тумани, Қароқчитол ҚФЙ, Чигит қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони — 160,0 м²; қурилиш ер ости майдони — 90,0 м² бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — ***8438,40 сўм.***

9. «Тикувчилик цехи биноси» қуриш учун Бағдод тумани, Қароқчитол ҚФЙ, Чигит қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони — 50,0 м²; қурилиш ер ости майдони — 50,0 м² бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — ***2637,00 сўм.***

10. «Тунукасозлик устахонаси» қуриш учун Бағдод тумани, Пахтаобод ҚФЙ, Говхона қишлоғи, 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона умумий ер майдони — 300,0 м²; қурилиш ер ости майдони — 100,0 м² бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — ***15822,00 сўм.***

Талабгорлар конвертлари Бағдод тумани ҳокимлиги мажлислар залида **2015 йил 20 январь куни соат 11.00**да очилади ва шу куни соат **15.00**да мазкур мажлислар залида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва **2015 йил 19 январь куни соат 17.00**да тўхтатилади.

## *Талабгорлар диққатига!*

Юқоридаги мулклар 2015 йил 20 январь кунидаги танлов савдоларида сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдолар **2015 йилнинг 3 февраль куни соат 11.00**да бўлиб ўтади. Такрорий савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш танлов савдоларига **3 кун қолганда соат 17.00**да тўхтатилишини маълум қиламиз.

Очиқ танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Савдо ташкилотчиси» «Trade Realtor Group» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: **Ҳр:20208000704985464001, СТИР 302335744, «Ҳамкорбанк»нинг Қўқон филиали МФО 00956.**

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади. Танлов ғолибига танлов ўтказилган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисига закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манзил: **Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Туркистон кўчаси, 28-уй.**

**Тел.: (+99894) 393-33-00. web-sayt: www.trg.uz. E-mail: imran_kxan@mail.ru**

**ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН**

Лицензия: **RR-0195**

# ШАМОЛЛАШ ВА ГРИПП

## *Вирусли инфекциялардан қандай сақланиш мумкин?*

***Қиш фасли ҳам бошланди. Ҳаво ҳароратининг бир тушиб, бир кўтарилиши натижасида мавсумий касаллик — тумов кўпчиликни, айниқса, ёш болаларни безовта қилмоқда. Хўш, бундай пайтда юқумли касалликлардан қандай сақланиш керак, нималарга эътибор қаратиш лозим? Бу борада Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудири, тиббиёт фанлари доктори, олий тоифали шифокор Нуриддин ТОШБОЕВга мурожаат қилдик.***



— Халқ тилида тумов, шамоллаш деб аталадиган касалликлар юқори нафас йўлларининг ўткир респиратор вирусли инфекциялари натижасида келиб чиқади, — дейди Нуриддин Тошбоев. — Вируслар турига қараб грипп, парагрипп, аденовирус, ретровирус, реовирус ва респиратор синсатциал вирус номлари билан тавсифланади. Булар ичида энг кўп учрайдигани — грипп. Кучли йўтал, бош оғриғи, бурундан сув оқиши гриппнинг белгиларидир.

### Касаллик ривожланишига нималар сабаб бўлади?

Грипп тана ҳароратининг кўтарилиши ва юқори нафас йўлларининг яллиғланиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, ҳаво орқали юқади. Бемор гапирганда, йўталганда, аксирганда вирус ҳавога чиқади ва шу ҳаводан нафас олган соғлом киши касалликка чалиниб қолиши мумкин. Шунингдек, бемор фойдаланган дастрўмол, сочиқ, ўйинчоқ ва бошқа маиший буюмлар ҳам вирус тарқатиш манбаидир. Ҳозирги ўзгарувчан об-ҳавода деразаларни очиқ ҳолда қолдириб ухлаш касалликка мойилликни кучайтиради.

Грипп билан касалланганлар биринчи кундан то бир ҳафтагача, асоратланганда эса 2-3 ҳафтагача зарарли ҳисобланади. Эпидемиялар ҳар 2-3 йилда такрорланади ва портловчи характерга эга. 1—1,5 ой мобайнида аҳолининг 20 фоиздан 50 фоизигача касалликни бошидан ўтказиши мумкин. Грипп ва ОРВИ билан касалланиш бошқа инфекциялардан анча кучли бўлади.

### Грипп ва шамоллашни қандай фарқлаш мумкин?

Гриппнинг шамоллашдан фарқи шундаки, шамоллашга қарши ишлатиладиган антибиотиклар гриппга таъсир қилмайди. Бундай пайтда шифокор кўриги ва тавсияси билан иш тутиш керак. Касаллик эт увишиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, бошда ва мушакларда оғриқ пайдо бўлиши билан бошланади. Кейинчалик танглай муртакларининг қизариши, бош айланиши, кўнгил айниши, уйқунинг бузилиши, бурун битиши ва оғриқли йўтал кузатилади.

### Гриппни «оёқда» ўтказманг!

Афсуски, бундай ҳолатлар жуда кўп учрайди. Турли хил дори воситалари, айниқса, антибиотикларни нотўғри қўллаш оқибатида бемор вируснинг чидамлилигига замин яратади. Натижада, ўпка тўқимасининг яллиғланиши (зотилжам), мия пардасининг яллиғланиши (менингит), ўрта қулоқнинг яллиғланиши (отит), бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиши (нефрит, пиелонефрит) каби оғир асоратлар юзага келиши кузатилади. Шу боис грипп аломатлари пайдо бўлиши билан, дарҳол оилавий поликлиника, ҚВП ва юқумли касалликлар шифохоналарига мурожаат қилиш ёки уйга шифокор чақириб, тиббий тавсиясини олиш лозим. Бу билан биз нафақат ўзимизни, балки оила аъзоларимиз ва атрофдаги кишиларни ҳам хасталикдан асраган бўламиз.

### Эмлаш қанчалик фойда беради?

Вакцина гриппнинг юқишидан ҳимояловчи самарали восита ҳисобланади. Эмланган кишида бир-бир ярим йилгача гриппга қарши иммунитет пайдо бўлади ва бу турдаги касалликлар юқмайди.

### Нималарга эътибор қаратиш керак?

Ишлаб чиқариш корхоналари, даволаш-профилактика ва таълим муассасалари, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда жамоат транспортларида ишловчи ходимлар грипп эпидемияси даврида ниқоб тақиши ва уларни ҳар 3-4 соатда алмаштириши, шунингдек, хоналарни тез-тез шамоллатиш, исириқ тутатиш тавсия этилади. Исириқ таркибидаги гармалин моддаси вирусни нейтраллаш хусусиятига эга. Соғлом инсон бурнига оксолин мазидан суриб юрса, грипп юқишининг олдини олишда яхши самара беради.

Иш режимига риоя қилиш, ҳаракатли машқлар, сув муолажалари билан танани мунтазам чиниқтириш, тўғри овқатланиш, мавсумга мос кийиниш зарур. Мева ва сабзавотлардан кўп истеъмол қилиш фойдали. Турли суюқликлар (малина, смородина, лимон ва асал қўшилган чой, иссиқ сут, наъматак дамламаси) ичиш тавсия этилади. Уларнинг таркибида С витамини мавжуд. Бу витамин қонда лимфоцитлар сонини кўпайтириб, қонтомир деворларининг ўтказувчанлигини яхшилайди ва вирус қонга ўтишининг олдини олади.

**Дилфуза ТОШКЕНБОЕВА**
**ёзиб олди.**

*Salomatlik saboqlari*

# ОРГАНИЗМНИНГ ИҚЛИМГА МОСЛАШУВИ ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?

***Инсон бирор юмуш билан нотаниш жойга борганда маълум муддат стресс ҳолатини бошидан кечиради. Зеро, атмосфера босими, ҳаво ҳарорати ва намлиги, иқлим ўзгариши организмни янги муҳитга мослашга мажбур қилади. Бунда юрак уриши частоталари, нафас олиш, тана ҳарорати, уйқуга кетиш ва уйғониш сингари муҳим биологик жараёнлар ташқи муҳитга мослаша боради. Ушбу ҳолат илмий тилда акклиматизация деб аталади.***

Ташқи муҳитнинг ўзгариши, табиийки, инсон ички аъзоларига ҳам таъсир қилади. Бу пайтда организмда физиологик, биокимёвий ва руҳий мослашув жараёни бошланади. Ҳаво ҳарорати ва атмосфера босими юрак уриши ва нафас олишнинг тезлашиши, тана ҳароратининг ортиши ва бошқа ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Ички кескинликнинг ортиши, ўз навбатида, ташқи томондан ҳолсизлик, бош оғриғи (мигрен) ва ошқозондаги айрим муаммолар кўринишида юзага чиқади. Ўз навбатида, баъзи инсонларда ҳар қандай ташқи ўзгаришга нисбатан реакциянинг пайдо бўлмаслиги уларда акклиматизациянинг йўқлигидан далолат беради.

Акклиматизация бирданига иссиқ об-ҳаво шароитига тушиб қолганда ёки денгиз сатҳидан баландга кўтарилганда яққол намоён бўлади. Иссиққа чидамли инсонлар организми танадаги ортиқча ҳароратни терлаш орқали тезда чиқариб юборади. Бироқ баъзи кишиларда ушбу жараён секинлик билан юз беради ва айрим нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради. Агарда иссиқ ҳаво ҳароратига намликнинг ортиши ҳам қўшилса (бу ҳолат кўпроқ денгиз соҳилларида кузатилади), мослашув жараёни янада қийинлашади. Бунда терлаш кучайиб, организмдаги минерал моддалар кўпроқ чиқиб кетади. Вазиятни юмшатиш учун организмдаги сув-туз мувозанатини сақлаш, овқатланиш тартибига қатъий риоя этиш, иссиқликдан сақловчи, табиий материаллардан тайёрланган либосларни кийиш, кондиционерли биноларда яшаш мақсадга мувофиқ. Вақт ўтиши билан юқори даражадаги ҳарорат ва ҳаво намлигига организм мослашиб, модда алмашинуви, бошқа физиологик жараёнлар меъёрлашади.

Денгиз сатҳидан баландга чиқилганда эса аксарият ҳолларда организмда кислород танқислиги сезилади. Нафас олиш тезлашиб, ўпка ва бош миянинг шишиши (ўткир тоғ касаллиги) аломатлари юзага чиқади. Денгиз сатҳидан 2500 метр баландликдан бошлаб чанқоқ, чарчоқ, бош айланиши ва оғриши кузатилади.

Акклиматизация одатда 5-6 кун давом этади. Бу пайтда ҳолсизлик, лоҳаслик, томоқ оғриши, иммунитетнинг пасайиши, иштаҳа йўқолиши, ҳафсаласизлик, уйқу бузилиши юз беради. Ушбу аломатларнинг қанчалик узоқ муддат давом этиши эса бир қатор омилларга боғлиқ. Манбаларда қайд этилишича, бирор муҳитга мослашиш ёш болалар, кексалар ва сурункали хасталикка чалинган беморларда қийинроқ кечади. Шу боис иқлими, шарт-шароитлари ва озиқ-овқат турлари ўзгачароқ ҳудудга боришдан аввал шифокор маслаҳатини олиш, мақсадга мувофиқ. 3 ёшгача бўлган гўдак билан эса бундай жойларга бориш умуман тавсия этилмайди.

Мутахассислар акклиматизация жараёнининг енгилроқ ўтиши учун энг аввало овқатланиш тартибига қатъий риоя этишни тавсия қиладилар. Доимо бир вақтда овқатланиш, ҳазм қилиш аъзолари учун нотаниш озиқ-овқат (мева, денгиз маҳсулотлари, сабзавотлар, маҳаллий таомлар)ни борган заҳотиёқ ва ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилмаслик керак. Айниқса, қуюқ зиёфат ва меҳмондорчилик вақтида меъёрни сақлаш муҳим. Имкон қадар тўйиб овқатланмаслик ҳамда гўшт ва ширинликлардан вақтинча эҳтиёт бўлиш, қайнамаган сув истеъмол қилмаслик, чанқоқни қайнаган сув ёки махсус қадоқланган ичимлик, сут маҳсулотлари билан қондириш мақсадга мувофиқ.

Ортга қайтганда эса ҳам организмнинг одатий муҳитга мослашиши рўй беради ва бу жараён реакклиматизация деб аталади. Олимлар бу жуда тез ва осон кечиб, саёҳатчида уйига қайтгандан сўнг биринчи куни ўз таассуротлари билан ўртоқлашиш, яхши кайфият, ижобий ҳиссиётлар, ҳаётга завқ оширишини таъкидлашади. Иккинчи-учинчи кунлари эса реакклиматизация ўз кучини кўрсатиб, юқоридаги аломатлар сезилиши мумкин.

Саёҳат ёки хизмат сафарига кетишдан аввал бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун иммунитетни мустаҳкамлаш чораларини кўриш, доимий истеъмол қилинадиган ва шифокор тавсия этган дори воситаларини олиш мақсадга мувофиқ. Масалан, ҳарорат туширувчи, юрак учун мўлжалланган, аллергияга қарши дори воситалари, бурун учун томчилар, пластир, бинт, стерилланган пахта, йод, водород перекис, куйиш ва қуёш уришига қарши кремларни тайёрлаб қўйган маъқул.

Кўп ҳолларда акклиматизация аломатларига шамоллаш белгилари сифатида қаралади ва бундан халос бўлиш учун турли антибиотиклар қабул қилинади. Бу нотўғри, албатта. Аввало, белги ва аломатларни аниқ ажрата билиш муҳим. Агарда лоҳаслик ва бошқа аломатлар 2-3 кунда ўтиб кетмаса, шифокорга мурожаат этиш керак.

**Санжар РУСТАМОВ**
**тайёрлади.**

# ФАОЛ АТЛЕТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Тобора якунланиб бораётган 2014 йилда кўплаб соҳаларда янги марралар забт этилди. Шу қаторда юртимиз енгил атлетикачилари ҳам салмоқли ютуқларга эришди. Айниқса, Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионати ҳамда Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз дунё нигоҳини ўзига қаратди.***

Шу муносабат билан Ўзбекистон енгил атлетика федерациясида жорий йил якунларига бағишланган тадбир ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар томонидан ...плаб спорт турлари қатори енгил атлетика бўйича ҳам юртдошларимиз юксак муваффақиятларга эришаётгани, бунда спортнинг ушбу турини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, эътибор, яратилган шарт-шароитлар, спортчиларни муносиб рағбатлантириш каби саъй-ҳаракатлар муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Тадбир давомида шу йили улкан натижаларга эришиб, Ватанимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарган Светлана Радзивил, Екатерина Воронина ва Леонид Андреев ва бир қатор етакчи спортчи ва мураббийларимизга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хабарингиз бор, йил аввалида ўтказилган Осиё чемпионатида Светлана Радзивил баландликка сакраш бобида фақатгина ғолибликни қўлга киритиб қолмай, балки Осиё чемпионатлари рекордини ҳам янгилади. Қитъамизда ядро улоқтиришда София Бурхонова, уч ҳатлаб сакрашда Анастасия Журавлевага тенг келадигани топилмади.

XVII Осиё ўйинларида Светлана Радзивил яна муваффақиятга эришди. Баландликка сакрашда олтин медалга сазовор бўлди. Екатерина Воронина эса кўпкурашда шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилди. Айниқса, мусобақа давомида жароҳат олса-да, ўзининг метин иродасини намоён этиб, кумуш медаль соҳиби бўлган Леонид Андреев ёш атлетларга ўрнак бўлди.

Юртимизда болалар ўртасида енгил атлетикани оммалаштириш, муносиб ўринбосарлар тайёрлаш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, барча вилоят федерациялари дастурга асосан қишки таътилда «Болалар енгил атлетикаси» спорт мусобақаларини ўтказади.

**МУХБИРИМИЗ**

# ШАХМАТ — ДЎСТОНА БЕЛЛАШУВЛАРГА КЎПРИК

***Учкўприк туманида бошқа спорт турлари билан бир қаторда шахмат ҳам кундан-кунга ривожланиб, қизиқувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Бугун Фарғона вилоятида ушбу спорт тури ҳақида гап кетса, «шахмат базаси» сифатида Учкўприк тумани эътироф этилади. Тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўқувчи-ёшларга шахмат сир-асрорлари пухта ўргатиб келинмоқда.***

2005 йили бор-йўғи 12 нафар ўқувчи билан фаолиятини бошлаган шахмат секцияси орадан икки йил ўтиб вилоят мусобақаларида юқори ўринлар учун курашадиган ёшларни етиштира бошлади. Бугунги кунда секцияга 30дан зиёд қизиқувчилар «ақл гимнастикаси» бўйича ўз маҳоратини ошириб бормоқда. 2009 йили ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг финал босқичида спорт мактаби тарбияланувчилари Маҳлиё Меликўзиева, Шоҳрух Холматов, Гуландом Тўрахонова чемпионликка эришган. Бундан ташқари, Ш. Холматов етти бор, М. Меликўзиева 8 карра вилоят биринчилиги ғолиби бўлди.

Учкўприк туманидаги 29-умумтаълим мактабида «Соғлом бола йили» муносабати билан ташкил этилган турнирда Фарғона, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Жиззах, Андижон, Наманган, Самарқанд каби вилоятлардан жами 80 нафар ўқувчи иштирок этди.

Мусобақа бош ҳаками, Сурхондарё вилояти шахмат федерацияси ижрочи директори Комил Рахматулин турнир ҳақидаги фикрларини билдирар экан, жумладан, шундай деди:

— 2008 йилдан буён турли мусобақаларда Фарғона вилояти шарафини Учкўприк тумани шахматчилари ҳимоя қилиб келмоқда. Вилоятда Абдунаби Тешаев каби тажрибали мураббийлар бор. Бу каби турнирлар ёш шахматчилар учун тажриба мактаби вазифасини ўтайди. Турли ҳудудлардан келган ўқувчилар баҳслар баҳонасида бир-бирлари билан фикр алмашиб, дўстона муносабатда бўладилар.

Хоразм вилоятида ўтказилган «Камолот» шахмат тахтаси» турнири ғолиби Жасурбек Хакимов тумандаги 28-умумтаълим мактаби ўқувчиси. У ёшлигидан мураббий Абдунаби Тешаевдан шахмат сир-асрорларини ўрганиб, фахрланса арзигулик ютуқларга эришди. Ушбу турнирда ҳам 16 ёшли ўсмирлар ўртасида 1-ўринни эгаллаб, устозлари ишончини яна бир бор оқлади.

Учкўприк туманидаги 49-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Шоҳсанам Ғаффорова ҳам шахматни ҳаётининг мазмуни деб билади. У тўрт карра вилоят чемпиони, республика чемпионатида 2-ўринни қўлга киритган. Мусобақаларга уни бобоси Ғаффоржон Тожибоев олиб боради.

— Неварам телевизорда Нафиса Мўминова, Сарвиноз Қурбонбоева, Баҳора Абдусатторова каби шахматчи қизларнинг ютуқларини, уларга кўрсатилаётган ғамхўрликларни кўриб: «Бобо, мени ҳам шахмат тўгарагига олиб боринг», деди. Неварамнинг ютуқларини кўрганимда беихтиёр кўзимга ёш келади. Ўзим ҳам шахматни яхши ўйнардим, жуда қизиқардим. Лекин у даврларда ҳукумат ҳеч кимнинг қизиқиши билан ҳисоблашмас, мамлакат ва жаҳон биринчиликларига бошқа миллат болалари олиб кетиларди. Бугун биз орзу қилиб эриша олмаган ютуқларга невараларимиз эришаяпти.

Шоҳсанам Ғаффорова турнирда 14 ёшли қизлар ўртасида 1-ўринни эгаллаб, бобосини яна бир бор ўз муваффақияти билан қувонтирди.

Бугунги кунда ака-ука, опа-ука, опа-сингил шахматчиларнинг яхши натижаларга эришаётганига кўп бор гувоҳ бўлмоқдамиз. Ушбу турнирда ҳам бу ҳолат эътиборимизни тортди. Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидан келган опа-ука Феруза ва Фарҳод Абдуғафуровлар мусобақада муносиб иштирок этишди. Феруза 12 ёшлилар ўртасида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Фарҳод олти ёшли тенгдошлари ўртасида учинчи бўлди. Бу икки шахматчи турнирга онаси шахмат бўйича спорт усталигига номзод Моҳидил Каримова билан келган. Фарзандларининг қўлидан ушлаб шахмат сирларини ўргатган она уларнинг биринчи мураббийи ҳам экан.

— Оиламизда шахматга қизиқиш авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъана, — дейди Моҳидил Каримова. — Отам Эркинжон Каримов яхши шахматчи бўлган. Фарзандларимда ҳам шахматга иштиёқ оилада шаклланган. Ўғлим Фарҳод тўрт ёшидаёқ шахмат ўйнашни биларди, Ферузанинг ҳам қизиқиши эрта бошланган. Ниятимиз — ҳар иккаласининг ҳам қитъа ва жаҳон биринчиликларидаги ғалабаларини кўриш.

**Шарифа МАДРАҲИМОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**




## РОББЕН — ЙИЛ СПОРТЧИСИ

***«Бавария» клуби ярим ҳимоячиси Арьен Роббен Голландияда йилнинг «Энг яхши спортчи»си деб эътироф этилди.***



Нуфузли совриин учун кечган «баҳс»да Арьен конкида югурувчи Свен Крамер, Йоррит Бергсма, Стефан Гротхейс ва Мишел Мюлдер, спорт гимнастикаси устаси Эпке Зюндерланд ва Йероен Дюббельдам каби кучли номзодларни ортда қолдирди.

Қизиқарли жиҳати шуки, 30 ёшли хавбек сўнгги 27 йил мобайнида ушбу ютуққа муяссар бўлган илк футболчи сифатида қайд этилди. Охирги марта 1987 йили машҳур футболчи Руд Гуллит «Йил спортчиси» деб топилганди.

2014 йили Роббен «Бавария» таркибида Германия чемпионати бош совринини ва мамлакат кубогини қўлга киритди. Голландия терма жамоаси билан жаҳон чемпионатида бронза медали соҳиби бўлди.

## БОКСЧИ КЕЧИРИМ СЎРАДИ

***Ҳаваскор боксчиларнинг халқаро ассоциацияси (AIBA) қарорига кўра, ҳиндистонлик боксчи аёл Сарита Деви бир йил муддатга бокcдан четлатилди. Сабаби, у Осиё ўйинлари бронза медалини рад этган.***



«Reuters» манбасида келтирилишича, Сарита 2015 йилнинг октябрь ойига қадар бокс рингларига яқинлаша олмайди. Шунингдек, спортчи мусобақа совринини тақишни истамай, ташкилотга нисбатан ҳурматсизлик қилгани ва спортчиларга хос тартиб-интизомни бузгани учун минг Швейцария франки миқдорида жарима ҳам тўлайдиган бўлди.

Эътиборлиси, AIBA боксчини бутун умрга четлатиш ҳақида қарор тайёрлаётган бир пайтда Сарита кечирим сўраб мактуб йўллагани жазони енгиллаштирди.

## ТОНГГИ ТАҚВИМ ТАЙЁРЛАНДИ

***Енгил атлетика федерацияларини бирлаштирувчи халқаро ассоциация — IAAF 2016 йили Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтадиган ёзги олимпиада дастуридан ўрин олган енгил атлетика мусобақаларининг тўлиқ тақвимини чоп этди.***

«Рио—2016» ташкилий қўмитасининг талабига биноан ҳар куни тонгги мусобақалар орасига биттадан финал баҳслари ҳам киритилди. Бу эса дунёнинг исталган нуқтасида яшовчи мухлисларнинг ўз юртида бемалол, уйқудан қолмай мусобақанинг энг ҳаяжонли лаҳзаларини он-лайн тарзда кузатиши учун имкон яратади.

Масалан, тонгги мусобақалар сирасига иккита марафон, учта спортча юриш, стипль-чезз ва диск улоқтириш финаллари қўйилади. Хотин-қизлар алоҳида 10 000 метрга югурса, эркаклар уч ҳатлаб сакраш ва 400 метрга тўсиқлар оша югуриш бобида синалади.

# ЎТ ЎЧИРИШ БУРЧАКЛАРИ

## қандай бўлиши керак?

Барча жамоат биноларида ўт ўчириш мосламалари жойлаштирилган бурчакларга кўзимиз тушади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам талаб даражасида бўлавермайди. Хўш, ўт ўчириш бурчаклари аслида қандай бўлиши керак?

Тегишли қонун-қоидаларга кўра, қўл ўт ўчиргичи деганда соф оғирлиги 20кг.дан ошмайдиган, қўлда олиб юриш имконини берувчи конструктив тузилишдаги мослама тушунилади. Ана шу талабларга жавоб берадиган мосламалар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига кўра, жамоат жойлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳар бир қаватида камида иккитадан бўлиши лозим. Барча турдаги ўт ўчиргичлар тўлиқ зарядланган, очиш-ёпиш қурилмасининг бошқарув тугуни муҳрланган ҳолда бўлиб, уларнинг назорати учун жавобгар шахс тайинланиши керак.

Ўт ўчиргичларнинг ўндан ортиқ тури мавжуд. Уларнинг икки тури — ҳаво-кўпикли, кукунли ўт ўчиргичлардан кенг фойдаланилади.

**Г.ШОРУСТАМОВА,**
**ИИВ ЁХББ ёнғин-техник лабораторияси муҳандиси, майор**

## *Yong'in xavfsizligi oyligi*

***

*Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг масъулияти ва огоҳлигига, қолаверса, бино ва иншоотларда ўт ўчириш воситаларининг соз ва тайёр ҳолатда бўлишига бевосита боғлиқ.*

*«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида ана шу мосламаларнинг тайёр ҳолатда туриши ва уларни ишлатишда аҳолининг малакасини ошириш мақсадида ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилди.*

*Ёнғинларнинг олдини олишда асосий масъулият, энг аввало, ўзимизнинг зиммамизда эканини, хавфсизлик қоидаларига риоя қилишга бепарволикни унутмайлик.*

**F. ПИРМАМАТОВ,**
**28-ҲЁХҚ кичик инспектори,**
**кичик сержант,**
**Қ.ЮНУСОВ,**
**32-ҲЁХҚ кичик инспектори**

# КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАР ТАРҚАТИЛДИ

Ромитан туманидаги Газли шаҳри ҳудудида жойлашган «Ўзбекистон — Хитой» қўшма корхонаси ишчи-хизматчиларининг «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирида масъулиятларни ошириш ва жамоатчилик ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидалари тарғиботини кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, маскан ҳудудида мавжуд бирламчи ўт ўчириш воситалари, асбоб-анжомлар, ички ёнғин ўчириш қувурлари, захира сув ҳавзалари техник ҳолати қайта кўриб чиқилиб, доимий соз ҳолатга келтирилди.

Қисм шахсий таркибига бириктирилган аҳоли хонадонларида ёнғин хавфсизлиги бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказиш учун 14497 та хонадон қўздан кечирилиб, 15103 нафар фуқарога тегишли тавсиялар берилди. Шунингдек, 300 дона ёнғин хавфсизлиги қоидалари акс эттирилган 8 турдаги рангли плакатлар, эслатмалар таълим муассасалари, аҳоли ва маҳаллаларга тарқатилди.

**Қ. ШОКИРОВ,**
**Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ 14-ҲЁХҚ бошлиғи, майор**

***Ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний фаоллиги, билим олиш самарадорлигини оширишда мактабдан ташқари таълимнинг ўрни катта.***

Учтепа туманидаги 38-мактаб педагогик жамоаси буни яхши билади. Таълим масканида турли йўналишдаги тўгаракларнинг самарали фаолият олиб бораётгани фикримизнинг далилидир.

— Ўқувчилар дарсдан бўш пайтлари турли фан ва спорт машғулотлари билан бирга, тўқувчилик, ёғоч ўймакорлиги, моҳир қўллар, миллий ва замонавий рақс тўгаракларига мунтазам қатнашади, — дейди директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Озода Толипова. — Интилишлари натижасида болалар ҳунар ўрганиб, турли беллашувларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Тўгаракларда бир-биридан бежирим пайпоғу қўлқоплар тўқиб, оддий ёғочдан гўзал санъат асари ясаётган болаларнинг шавқи баланд, кўзлари қувончдан порлайди. Уларнинг машғулотларга қизиқиш билан қатнаётганини кўриб, ҳавасингиз келади.

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**





# ҲУНАРЛИ ЎҚУВЧИ МЕҲНАТДАН ҚОЧМАЙДИ







# ЗИЁ МАСКАНИ

***Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 18-умумтаълим мактаби синфхоналари, маърифий тадбирлар зали, фан лабораториялари, спорт зали замонавий даражада жиҳозланган.***

16 минг 700 дан зиёд китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази ўқувчилар билан доимо гавжум. Улар бу ерда дарслик ва адабиётларнинг босма ҳамда электрон нашридан кенг фойдаланиш имкониятига эга.

**ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган суратлар.**






Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-1224. Tiraji 38969.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar: Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir: Qurbonboy MATQURBONOV.
Navbatchi: Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 22.55 Topshirildi — 23.20
1 2 3 4 5